O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 7 АВГУСТ, сешанба
№ 32 (236)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади



## Қорақалпоғистон: Истиқлол йилларидаги бунёдкорлик



**Энг улуғ, энг азиз байрамимизга 24 кун қолди**





***Ўзбекистоннинг истиқболи — Қорақалпоғистоннинг истиқболи, Қорақалпоғистоннинг истиқболи — Ўзбекистоннинг истиқболи, десак, хато бўлмайди. Бу ҳақиқат барчамиз учун раҳнамо бўлиши даркор.***

**Ислом КАРИМОВ.**




**кеча, бугун, эртага**

Сочи шаҳрида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Саммитда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам қатнашди.

***

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда бўшаб қолган ўринларга 29 июл куни ўтказилган Олий Мажлис депутатлари сайловининг якунлари кўриб чиқилди.**

***

Республика ҳукумати ва Марказий банки томонидан миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш, сўмнинг ички айрибошланишига эришишга қаратилган валюта сиёсати юритилмоқда.

Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб ваколатли банкларнинг айрибошлаш шаҳобчаларида узоқ хориж давлатларига кетаётган республикамиз фуқароларига нақд хорижий валюта сотиш миқдори оширилди. Эндиликда улар 400 АҚШ долларигача бўлган миқдорда нақд хорижий валюта сотиб олишлари мумкин.

***

**Жиззахлик ёш шоҳматчи Юлдуз Ҳамроқулова Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкекда бўлиб ўтган халқаро шоҳмат мусобақасида барчани доғда қолдириб, мусобақанинг энг кучли шоҳматчиси, деган номга сазовор бўлди. Юлдуз Бишкекда 1-даражали диплом билан қайтди.**

*Ватанномa*

## ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Ватан, ягонадир, Ватан биттадир, деган ҳикмат замирида катта маъно мужассам. Чунки ана шу яхлитлик, фахр туйғуси, том маънода Ватаннинг озодлиги, ҳурлиги ва ёруғ истиқболи билан чамбарчас боғлиқдир. Ватан билан фахрланиш эса, унинг тарихи – Ватанномани, аждодлар буюклигини билиш, чуқур англаш, теран ҳис этишдан бошланади.

Дунё илму маърифати бешигини тебратган, ўзининг ақлу-заковати билан жумлаи жаҳонни ҳайратга солган буюк фарзандларни вояга етказган бу замин бугунги доруломон кунларга не-не мушкулотларни енгиб ўтиб, етиб келган. Шунинг учун халқимиз юрт озодлиги, мустақиллигини ҳамма нарсадан баланд қўяди. Албатта, ўн йил тарих учун бир лаҳза. Аммо ўтган бу фурсатни халқимиз учун асрларга тенг бўлди, десак, хато қилмаймиз. Истиқлол йилларида Ватан, унинг ўтмиши, бугунги куни ва эртанги ёруғ-истиқболи билан чинакамига фахрланиш туйғуси халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олди.

Дарҳақиқат, яратганнинг инояти ила берилган олий неъмат – юрт мустақиллигини мангуга сақлаш, буюкликка етказиш мақсадида халқ ўз Юртбошиси атрофида жипслашган. Азалдан маълумки, оққан дарё оқаверади, келажаги буюк давлатни ўтмиши улуғвор халқ бунёд этади.

Истиқлол шарофати туфайли халқимизнинг яратувчилик салоҳияти қайта тикланди. Ҳар куни, ҳар лаҳзада мазмуни йилларга тенг бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Саҳролар узра пўлат излар ётқизилмоқда. Қум барханлари бағрида етти иқлимга достон бўлгулик саноат иншоотлари, боғроғлар бунёд этилди.

Ўзбекистон дея аталган бу жаннатмакон юрт мустақиллик туфайли жаҳонга юз тутди, жаҳон эса бизга. Ғарбу Шарқни бир-бирига боғлаб келган Буюк Ипак йўли қайта тикланди. Боболаримиз бошлаб берган дўстлик, ҳамкорлик алоқалари том маънода янги бир босқичга кўтарилди. Биз дунё мамлакатлари тажрибаларидан ўз менталитетимизга мос бўлган жиҳатларини ижодий қўллаган ҳолда олам ҳавас қилса, арзийдиган дунёвий давлат қура бошладик. Шу заминда яшаётган халқ қайси соҳада бўлмасин, мўъжизалар яратмоқда.

Ўзбек мўъжизасининг довруғи дунёни тутмоқда. Сир эмаски, мустабид тузумнинг зўравонлиги туфайли заминимиз қаъридан қайнаб-отилиб турган булоқлар кўзлари кўмиб ташланган эди. Бугун ана шу булоқларнинг кўзлари очилди. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида кўзлари очилган булоқлар халқимизни баҳраманд эта бошлади. Бу ўринда биргина истиқлол йилларида кашф этилган истеъдодли ёшлар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз, деб биламан. Ўн йил давомида қанчадан-қанча истеъдодлар аниқланди. Бир сўз билан айтганда, инсоният цивилизацияси ривожига ҳисса қўшишга улгурган не-не буюк зотлар, алломаларни етказиб берган шу қутлуғ заминда ҳозирда дунёни лол қолдиришга қодир бўлган истеъдод соҳиблари етишиб чиқмоқда. Уларнинг салоҳияти-ю заковатини олам аҳли тан олмоқда. Дунё бизга яна ҳавас кўзлари билан боқмоқда. Жаҳон халқлари бизнинг тажрибаларимизни ўрганаётгани бежиз эмас.

Биз аждодларимизнинг анъаналарини давом эттирган ва дунё халқлари томонидан яратилган жамики қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда янги жамиятни бунёд этмоқдамиз. Ўз мақсадларимизга эришишимизга ишончимиз комил. Чунки она заминимизда тараққиётнинг энг юксак чўққисига кўтарилиш учун барча шарт-шароит муҳайё. Шунга ҳар томонлама муносиб бўлган бунёдкор халқимиз бор.

Оққан дарё оқаверади...

**Худоёр КАРИМОВ,**
**журналист**

*Адлия тизими*

**САМАРҚАНД**

**Булунғур тумани "Агрокимётаъминот" корхонаси билан "Янги қишлоқ" фермер хўжалиги ўртасида минерал ўғит етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланган. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун корхона раҳбари Б.Султонов ёзма равишда огоҳлантирилди.**

*Муносабат*

## "ТАДБИРКОРНИНГ ЙЎЛИГА ҚЎРҚОҚЛАР ҒОВ БЎЛАДИ"

***— дейди Пастдарғом туман "Дўстлик" ширкат хўжалиги раҳбари Шоҳимардон ҒУЛОМОВ***

— Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз халқимизнинг юрагидаги фикрларни ўртага ташладилар. Бунга биз амалий тажрибамизда ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Йиғилишда таъкидланганидек, жамиятимизда тадбиркорлик руҳини қарор топтирмас эканмиз, уни ҳар томонлама мустаҳкамламас эканмиз, эскича дунёқараш асоратлари билан бундан буён ҳам яшайверамиз. Олти-етти йил муқаддам деҳқон-фермер деганда кўпчилик мол-мулкка, бойлик тўплашга мукkасидан кетган кишини тасаввур қилар эди. Яширишнинг ҳожати йўқ, хўжалик раҳбаридан тортиб, то ҳокимгача бундайларга ўгай кўз билан қараш кайфияти ҳукмрон эди. Ана ўшанда мустамлака тузум дунёқараши билан янгича мушоҳада ва муносабатга асосланган дунёқараш зиддиятлари тўқнаш келган эди. Бироқ табиий танлов жараёнида фақат тадбиркорлар иқтисодий ислоҳотлар ташаббускори бўла олишини даврнинг ўзи исботлайди. Барча зиддиятларнинг занжири иқтисодга келиб тақалади. Хўжалик иқтисодий ночор бўлса, иқтисодий ожиз бўлса, унинг раҳбари тадбиркордан камчилик излаб қолади, керак бўлса, кўпчиликни унга қарши қўйишдан ҳам қайтмайди. Тадбиркордан қўрқитувчи ясаб олади. Бу яхши эмас. Раҳбар ҳалол бўлиши керак. Яъни раҳбарнинг ўзи тадбиркор бўлмас экан, барибир ютқазади.

Мен "Дўстлик" хўжалигини бундан 9 йил муқаддам қабул қилиб олганман. Ўшандан буён худога шукр, қишлоқ хўжалиги режаларини баҳамжиҳат, ошиғи билан бажариб келаяпмиз. Мен раҳбар сифатида иш бошлаганимнинг биринчи куни хўжалик аъзоларини йиғиб айтдим: оғайнилар, режани мен бажармайман, сизлар бажарасизлар. Мен ишни ташкил қилиб бераман. Хўжалик мулки — ҳаммамизнинг мулкимиз. Ҳол-қудратга қараб ерни оилавий пудратчиларга тақсимлаймиз. Режани бажарганлар ошиқчасини натура тарзида олади, бажармаганлар ерни навбатда турганларга топширади, дедим. Ер тақсимловчи махсус гуруҳ туздик. Ана шу тариқа ерга муносабат ўзгарди. Режалар ҳам бажарилаверди. Мана мисол учун 45 миллион сўм соф фойда билан ўтган йилни якунладик. Биз ширкат хўжалиги тизимига ўтганимизга икки йил бўлди. Ана шу 45 миллион сўм фойдадан 14 миллион сўмини хўжалик аъзоларига дивидент сифатида тарқатаяпмиз.

Бугун хўжалик ўзига тўқ, бирор жойдан қарзимиз йўқ, 30 миллион сўм маблағимиз бор. 70 миллион сўмдан ортиқроққа ғалла сотдик. Нима демоқчиман? Энг аввало, раҳбар тадбиркор бўлиши керак. Мана бу йил мустақиллигиимзнинг 10 йиллигида пилла режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардик, режадан 300 тонна зиёд ғалла сотдик, пахта топшириш режасини ҳам ошиғи билан бажаришга барча шарт-шароит етарли.

Раҳбар одам, тадбиркор ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиши керак. Масалан, биз 1999 йил электр энергияси учун 4 миллион 600 минг сўм тўлаганмиз. 4 миллион сўм атрофида фақат газга тўлаганмиз. Шундан кейин иккаласига ҳам ҳисоблагичлар қўйдирдим. Шунинг ўзидангина биз ҳозир бир йилда 3-4 миллион сўм иқтисод қилаяпмиз.

Бизда ички шартномалар тўла ишлаяпти. Ҳар йил йилнинг якунида умумий йиғилиш қилиб, нўноқ пудратчиларнинг, ишламайдиганларнинг 50-60 нафаридан ерни қайтариб оламиз, шартномани бекор қилиб ишлайдиган одамга берамиз. Менинг фикримча, ширкат хўжалиги мулкчилик кўринишининг янги босқичига ўтиш вазифасини ўтаяпти. Ислоҳотларнинг охирги босқичида юз фоиз фермер хўжалигига ўтишимиз керак. Тараққий этган давлатларда шундай, бизда ҳам шундай бўлиши керак. Бугун пудратчига нисбатан фермер кучли. Чунки пудратчи пай улуши бўлишига қарамасдан, дивидент олишига қарамасдан барибир эски тизимдаги дунёқараш билан қолаяпти. Шунинг учун биз йилнинг бошида ҳисобот йиғилиши ўтказганимизда юқори ташкилот раҳбарлари билан келишиб, хўжалигимизни тўлиқ фермерларга бўлиб беришга қарор қилдик. Вилоят ҳокимиятидан шу бўйича мутасадди ташкилотларга хат қилинди, худо хоҳласа, кузгача ерларни тўлиқ фермерларга бўлиб бериб, ғаллани фермерларнинг ўзи экади.

Яна бир ниятимиз хўжаликнинг ўзида банк филиалини очиш, соликни шу ерга олиб келишдир. Хўжалигимиз ҳудудида бугун 30 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Келгусида уларнинг сони юздан зиёд бўлади. Улар туман банки ёки солиққа сарсон бўлиб бориб юрмасдан, ишини шу ернинг ўзида ҳал қилади. Ўйлайманки, якунловчи ислоҳот ана шу бўлади. Шундагина қишлоқ хўжалигимизда кескин ўзгаришни кутишимиз мумкин.

Яқинда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлган йиғилишда мен сўзга чиқиб, шундай таклиф киритдим: қишлоқ хўжалигини юритишнинг ҳамма формасини кўраяпмиз. Энди давлат буюртмасини қўлламасдан бир-иккита хўжаликка эркинлик бериб кўрайлик-чи, нима бўлар экан? Менинг таклифимни илиқ кутиб олишди.

Одамлар ҳозир томорқасига ҳам ғалла экаяпти. Давлат буюртмаси бўлмаса, харажат қилинаётган нефт маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар бозор нархидалиги ҳисобга олинса, маҳсулот сотилиши ҳам бозор нархида бўлади. Бундан давлат ҳам, маҳсулот етиштирувчи ҳам манфаатдор бўлади. Унга юқоридан назорат ҳам, бошида турадиган ҳам керак бўлмайди. Тадбиркорликка, фермерликка тўсқинлик қиладиган сунъий ғовлар ўз-ўзидан барҳам топади. Ана шу жараённи тезлаштирадиган бўлсак, ҳаётимиз яна ҳам яхши бўлиб кетади, деб ўйлайман.

## «ИНСОН ва ҚОНУН»га...

**ЖАВОБ БЕРАДИ**

### ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛДИ

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан газетанинг 2001 йил 10 июль сонида чоп этилган "Қўчқоров таъмагир эмас" **мақоласи юзасидан текшириш ўтказилиб, қуйидагилар аниқланди:**

"Отабек Усмонов" номидаги фермер хўжалиги Деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги билан 1999 йилнинг 26 февралида 30 тонна пахта хом ашёси етказиб бериш тўғрисида контрактация шартномаси тузган. Тузилган шартнома асосида, уюшма ҳисобидан "Митан пахта" акциядорлик жамиятига 1.126.704 сўмлик, 32.883 килограм миқдоридаги пахта хом ашёси етказиб берилган.

"Митан пахта" акциядорлик жамияти вакиллик ҳисоб рақамига топширилган пахта хом ашёси учун тегишли пулни ўз вақтида ўтказиб берганлигига қарамасдан, вакиллик фермерга асоссиз равишда маҳсулот пулининг бир қисмини тўламай келган.

Уюшма вакиллигидан олинган маълумотга кўра, "Отабек Усмонов" номидаги фермер хўжалигига етиштирилган маҳсулот учун уюшма томонидан 1.031.471 сўм харажат қилинган ва 2001 йилнинг 16 июл ҳолатига кўра, фермер хўжалигидан 95233 сўм миқдорида қарздор бўлган.

Текшириш натижалари бўйича, "Отабек Усмонов" номидаги фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб, вакиллик ҳисобидан асосий қарз 95.233 сўм ва 27.813 сўм пеня, шунингдек, вакиллик раиси И. Қўчқоров ҳисобидан С. Усмонов фойдасига етказилган 30.000 сўм миқдорида маънавий зарарни ундириш тўғрисида Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритилди.

**Қ.ТОҒАЕВ,**
**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

**МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ**

### АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Бизнинг қонуний талабларимиз ва манфаатларимиз инобатга олинмаётгани, мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги даъвомиз қонуний ва холисона кўрилмаётгани, бир йилдан буён овора-ю сарсон бўлиб юрганимиз ҳақида газетангизга шикоят билан мурожаат қилган эдим. Мактубим газетада "Эрим айбдор бўлса..." сарлавҳаси билан эълон қилингач, 2001 йилнинг 14 июнида Хоразм вилоят фуқаролик ишлари бўйича судида даъво аризамиз қайта кўриб чиқилди. Оиламиздан ноқонуний мусодара қилинган мулкимиз тўлиғича қайтарилди.

Бир сўз билан айтганда, газета аралашгач, адолат қарор топди. Ҳақиқат тантана қилди. Оила аъзоларимиз номидан таҳририятга миннатдорчилик билдирамиз. Ҳақиқат ҳимояси йўлида сизларга битмас-туганмас куч-қувват тилаб қоламиз.

**Болжон ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Хоразм вилояти,**
**Хива тумани, Беруний номли жамоа хўжалиги**

**БИЗГА ЁЗАДИЛАР**

### ҲАҚИМИЗНИ ОЛОЛМАЯПМИЗ

1994 йил Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳрида жойлашган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг бир гуруҳ ходимлари комбинатни жамоа корхонаси тарзида сотиб олган эдик. 1997 йилга келиб эса 17 нафар киши "Дўстлик" тикувчилик жамоа коронаси номи билан комбинатдан ажралиб чиқдик. Ўша пайтда 34 дона тикув машинаси ва бошқа бир қанча инвентарлар жамоа мулки саналар эди.

Бугунга келиб, жамоамиз раисаси Гўзал Умирова вилоят давлат мулк бошқармасидан корхонани ўз номига хусусийлаштириб олибди. Биз бундан кейин хабар топдик. Ахир, жамоа мулкида бизнинг ҳам улушимиз бор-ку?! Демак, ҳаққимизни талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эгамиз.

Бизнинг жамоадаги ҳақ-ҳуқуқимизни тиклаш ёки жамоа мулкидан ўз ҳаққимизни ажратиб олишимизга ёрдам берсангизлар.

**Нодира ҚУРБОНОВА, Соҳиб ИБРАГИМОВ,**
**Эркин АШУРОВ ва бошқалар.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**
Ушбу шикоят хатида кўтарилган масалага Қашқадарё вилоятидаги мутасадди ташкилотлар ойдинлик киритади ва бизга жавоб берадилар, деган умиддамиз.

*Конституция ва биз*

## ЭРКИНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

**Бош қомусимиз — Конституцияни ҳар куни ва ҳар доим ўрганишимиз лозим. Чунки унда эркинлигимиз ва яшаш тарзимиз тўла кафолатланган. Бу галги ҳуқуқий сабоғимиз бевосита Конституция ва қонунларнинг уйғунлиги масаласига бағишланади. Уни ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Ҳайдарали МУҲАММЕДОВ шарҳлайди.**

Конституция ва қонунлар устуворлигининг таъминланиши ҳуқуқий давлатга хос муҳим белгилардан бири бўлиб, давлат ҳуқуқий қурилишининг энг асосий тамойили ҳамдир.

Конституциянинг 15-моддасида Конституция давлатимизнинг энг Асосий Қонуни эканлиги, у бошқа барча қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий актлардан юқори туриши белгиланган.

Конституция ва қонунлар тўғрисида сўз кетар экан, аввало, уларнинг бир-биридан фарқини ажратиб олиш керак. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, у бошқа жорий қонунлардан шу билан фарқ қиладики, унда энг асосий, энг барқарор ижтимоий муносабатлар, узоқ даврга мўлжалланган қоидалар мустаҳкамланган ва улар бевосита амалиётда бошқа қонун чиқариш актларида очиб берилади ва аниқлаштирилади. Конституцияда мавжуд бўлган қоидалар негизида ва уларни ривожлантира бориб, заруриятга қараб, бошқа қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий актлар ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бунда барча жорий қонунларнинг ҳуқуқий асоси, бош манбаи Конституция бўлиб қолади. Конституция эса олий юридик кучга эга бўлиб, бошқа барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мувофиқ келиши шарт. Бир сўз билан айтганда,

### Ўн биринчи сабоқ

Конституцияни қонунлар қонуни дейиш мумкин. Шу боис Ўзбекистон Конституциясида Конституциянинг энг юқори кучга эгалиги, ҳамма қонунлардан устун туриши алоҳида эътироф этилган. Бунда фақат Конституциянинггина эмас, балки унинг асосида қабул қилинадиган қонунларнинг ҳам устунлиги ўрнатилади.

Ушбу тамойил жамиятимизда қонунчилик ва ҳуқуқий-тартибот тантанасини англатади. Қонунчилик — бу қонунларнинг реаллигидан, жамиятда чинакам демократик муҳит ва ҳақиқий ҳуқуқий тамойиллар қарор топаётганидан далолат беради. Қонунчилик — бу давлат томонидан қонунлар тизимини жамият тараққиёти талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш ва давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларга қатъий риоя этиш ва уларни оғишмай амалга оширишда намоён бўладиган давлат ва жамият ҳаётининг тамойилидир. Қонунчилик тамойили қонунларнинг ҳамма учун истисносиз мажбурийлигини, ҳамманинг қонун олдида тенглигини, қонунларнинг ҳамма ерда бир хилда жорий қилинишини ҳам англатади.

Қонунчилик билан ҳуқуқ-тартибот бир-биридан фарқ қилади. Қонунчиликнинг мазмуни ҳуқуқий меъёрларга қатъий ва оғишмай риоя этишларда ифодаланса, ҳуқуқий-тартибот эса жамият аъзоларининг юриш-туришлари, уларнинг субъектив ҳуқуқ ва бурчларига мувофиқ келишида ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий-тартибот ҳуқуқий муносабатлар доирасида шу муносабатларнинг иштирокчилари ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишлари ва ҳуқуқий бурчларини бажаришлари натижасида вужудга келади. Демак, қонунчиликни амалга ошириш ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш воситаларидан бири бўлса, ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамлаш эса ўз навбатида қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу боис улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

> **Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.**
> **Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.**
> **15-модда**

Шундай қилиб, 15-моддага кўра, Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар олдида ҳамма тенг даражада масъулиятга эга бўлиб, қонунлар ҳам ўз навбатида барчага баробардир.

Конституциянинг 15-моддаси иккинчи қисмида давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар, дея қайд этилган. Давлат, унинг органлари, жамоат бирлашмалари Конституция ва тегишли махсус қонунлар асосида ташкил қилинади ва фаолият юритади. Улар Конституция ва тегишли қонунларда белгиланган ваколатларнигина амалга оширади. Мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўради.

Зеро, Конституция ва қонунлардан четлаб ўтиш, уларнинг талабларини бузиш ғайриқонуний хатти-ҳаракат ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар учун эса махсус қонунларда тегиш-

*Бугуннинг гапи*

# ФЕРМЕРЛАР ЎЗ УЮШМАСИНИ БИЛАДИМИ?

Фермерликнинг масъулиятини бошдан кечирган билади. Мустақиллик туфайли вужудга келган ушбу ҳаракат Президентимиз томонидан қанчалик қўллаб-қувватланаётгани ҳаммага аён. Лекин туманимизда фермерлардан фақат режани сўрашади, холос. Ҳали аҳволинг қалай, деган мутасаддини учратмадим.

Туманимизда ҳам катта умидлар билан фермерлар уюшмаси тузилган эди. Лекин бугунгача кўпчилик фермерлар, унинг фақат номини эшитган, холос. Уюшманинг туман бўлими аъзолик бадаллари йиғишу фонд ажратиш билан машғул. Биз эса фермер хўжалигини тузишдаги ҳужжатлаштиришдан бошлаб, ер ажратиш, шудгорлаш, экиш, экинга ишлов бериш, ҳосилни териб топшириш — хуллас, шу каби масалаларда уюшма ёрдам беришини орзу қиламиз.

Албатта, ўртада шартнома ҳам бор. Ер тобида ҳайдалмаса, экиш кечикса, чигит нишлаб кетсаям сеялка ажратилмаса, яна уруғликка чопсак, ишловга культиватор топилмаса, ҳосил ёғин-сочинга қолиб кетса, шартнома бажарилмайди-да! Хўш, зарарни ундирдик ҳам дейлик. Бироқ ўша арзимас маблағ билан фермер қониқиш ҳосил қилармиди?

Энди ишдан гапирсам, 10 гектар ерда пахта етиштирамиз. Бултур ҳосилдорлик режадаги 31,1 центнер ўрнига 33,3 центнерга етди. Аслида бундан 3-6 центнер кўп эди. Уни ўз вақтида йиғиштириб ололмадик, қабул пунктига етказолмадик. Гарчи йил давомида не-не кўнгилқорачиликлардан сўнг кечикиб сервис хизмати кўрсатган бўлса-да, "Нарпай" ширкат хўжалигига 1 миллион сўм маблағ ўтказдик. Тракторсиз фермерни фермер дейиш қийин. Яқинда 1,5 миллион сўмга трактор сотиб олдик. Энди сеялка, прицеп, чизел, культиватор каби мосламалар керак.

Биламан, фермерлик халқимизнинг фаровон турмушига камарбаста. Бўлмаса, 62 ёшда ўғил-қизларимни ёнимга олиб, шу ҳаракатга қўшилармидим. 38 йил кутубхона мудираси сифатида ишлаганман. 10 нафар фарзандимнинг ҳаммаси уйли-жойли. 24 нафар неварамни бошини силаб ўтирсам, роҳатижон-ку! Аммо ўғилларим Тошпўлат, Улуғбек, қизим Дилором, келиним Рисолат билан фермер хўжалиги ҳақида ўйлаганимизда, қийинчиликлардан чўчимасликка келишгандик. 40 йилдан кўпроқ муаллимлик қилган, ҳозир 70 ёшдаги турмуш ўртоғим ҳамиша ёнимизда.

Таклиф, истакларимиз кўп. Аввало, уюшманинг туман бўғини ўз МТПларига эга бўлса, бу ҳақда гап кўпу, амалий иш йўқ. Тўғриси, биз сингари фермерлар қийналаяпти, ҳатто синиб қолаяпти. Фуқаролар йиғини ҳудудида 53 фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Улар ихтиёрида 950 гектар ер бор. Ширкат хўжалигининг техникаси ўзидан ортмайди. Уюшма бош бўлиб, шу атрофда МТПнинг сервис хизмати кўрсатиш бўғинини ташкил этиши мумкин-ку? Уюшманинг туман бўлимида ишловчи 4-5 киши ўз ҳудудидаги 170 та фермер хўжалиги, вилоят бўғинидаги 8-10 киши икки мингдан зиёд фермернинг ҳолидан хабар олиши, ёрдам кўрсатишига ақл бовар қилмайди.

Менимча, уюшманинг қуйи бўғинларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмаса, бу нодавлат ташкилот ўз олдига қўйилган вазифасини кўнгилдагидек бажаролмайди. Улар ҳар бир фермерга сервис хизмати кўрсатиш, маҳсулотни сотиш, кредит ажратишни кафолатласин! Ҳақ-ҳуқуқимизни қаттиқ туриб ҳимоялайдиган нуфузли идорага айлансин. Шундагина уюшмани нафақат фермерлар, балки казо-казо ташкилотлар олдидаги ўрни, салоҳияти сезилади. Шундагина ўткир қанотимиз, суянган тоғимиз бор, дея оламиз.

**Шарофат РАҲМАТОВА,**
**Навоий тумани, "Исмоил бобо" фермер хўжалиги аъзоси**



*Суҳбатдошимиз: Ўрозали ҚЎЗИБОЕВ — Зарбдор туман "Тараққиёт" ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги "Азиз" фермер хўжалиги раиси. Оилали, 5 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи уй бекаси.*

# "ИШНИ ЮРИТИШ БИЗ ТАН"

**— Ишлар қалай, Ўрозали? Фермерлик чарчатмаяптими?**

— Фермерлик мазза экан-ку! Нега чарчаймиз. Энг асосийси мажлисбозликдан қутулдим. Ишингни бажараяпсанми, бўлди, биров сендан бошқа нарсани сўрамаса, бундан ортиқ бахт борми одамга!

**— Мажлисбозликдан қачон безор бўлгансиз?**

— Илгариги замонларда-да. У пайтлари иш қилиш шарт эмас эди. Мажлисда узлуксиз қатнашсангиз, чиройли гапирсангиз, партиямиз — отамиз, партияга минг раҳмат, деб турсангиз, сиз учун олам гулистон эди.

**— У пайтлари мажлисга катталарни чақиришган...**

— Нима, сизнингча фермер кичкина одамми? Муҳри бор, банкда ҳисоб рақами бор. Исталган шахс билан ўзи шартнома туза олади...

**— Сиз, масалан, кимлар билан шартнома туздингиз?**

— Пахта заводи билан, элеватор билан, "Тараққиёт" билан. Илгари фермер бригадир ўрнида бўларди, хўжаликка сўзсиз бўйсунарди. Энди, мана, тенгма-тенг шартлар асосида шартнома тузиб ишлаяпмиз.

**— "Тараққиёт"сиз кунингиз ўтмайдими?**

— Ўтиши мумкин, лекин тўғрисини айтганда, шунақа оралиқ ташкилотлар фермерларга керак экан. Айтайлик, нефтбаза, химия ва ҳоказо шу каби ташкилотлар ва бизнинг орамизда воситачилик қилади. Пулимиз бўлмаса, улар бизни тан олмайди, хўжаликка эса насияга ҳам бераверади. Иш тиғиз пайтлари бу жуда қўл келади. Мен мустақил бўлдим, деб дарҳол подадан олдин чанг чиқаришга уринавериш ярамайди. Президентимиз айтган эдилар-ку, янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг, деб.

**— Айрим фермерлар хўжалик устидан дод деб юборишаяпти-ку?!**

— Унақаларни мен ҳурмат қилмайман. Улар ўз ҳисобини билмайдиган одамлар. Ишини юриштира олмаса, бунинг сабабини ўзидан эмас, атрофидан қидирадиган одамларгина шундай қилади.

**— Ишларингиз шунчалар силлиқми?**

— Йў-ўқ, нега энди, шунчаки, мен ҳадеганда арзи-ҳол қилиб югураверадиганлар тоифасига кирмайман. Бизларда ҳам тушунмовчиликлар бўлиб туради. Шу йил бошида "Тараққиёт"га янги раис келди. Хўжаликда 67 фермер бўлса, олтитаси бизнинг бўлимда. Унинг тўрттаси ўз техникасига эга, ҳаммамиз ўз ҳақ-ҳуқуқимизни танимиз. Биров билан баҳслашсак, ютқазмаймиз, олдига тушиб, югуриб кетавермаймиз, шунинг учун бизни ҳамма яхши кўравермайди. Хуллас, янги раҳбарга бизнинг бўлим фермерларини ёмонлашибди. Бу бўлим "Техас" дейишибди, улар ҳеч кимнинг айтганини қилмайди, менсимайди, дейишибди. Хуллас, майда гап кўпайиб кетибди.

**— Бунга асос бормиди?**

— Ҳа, бир текширувчи келган эди, унга қаттиқроқ гапирган эдик, координацион кенгаш қарорини талаб қилган эдик... Хуллас, янги раҳбар билан бетма-бет бўлдик, орани очдик. Шундан бери тинчмиз, худога шукр!

**— Шартномалар...**

— Бажараяпмиз. Бу ҳақда гап-сўз бўлиши мумкин эмас. "Азиз" 1999 йил бошида очилган. Икки йил ҳам пахта, ғалла режалари бажарилган. Бу йил ҳам давлатга пилла ва ғалла сотиш режасини 130 фоиз қилиб бажардик.

**— Нима, ғалланинг барини бериб юбордингизми?**

— Нега энди, насибага лойиқ, ўзимизгаям қолди.

**— 100 фоиз қилиб, қолганини олиб қолсангиз бўлмасмиди?**

— Ий-е, ҳамма ўзини ўйлайверса... Ахир, биз ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш учун ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак-ку!

**— Учинчи йил экан, фермерликдан нималар орттирдингиз?**

— Энг аввало, уч ака-ука бола-чақамиз билан ишлаймиз, фермер хўжалик боис уст-бошимиз бут, нонимиз тайин, қўй-молимиз сомон-хашак билан, ем билан таъминланган. Орттирганимизга ака-укалар ўртада "Беларус-МТЗ-80"трактори олдик. Ҳам фермерликка, ҳам оила ташвишларига ёрдами тегаяпти тарктnormalизнинг. Жами 25 гектар еримиз бор, унинг 15 гектари пахта. Худо хоҳласа, пахта режаси ҳам пилла ва ғалладай бажарилади, деб умид қилиб турибмиз. Ишқилиб, бизга тинчлик, омончилик бўлса бўлди. Ишни юритиш биз тан.

**Суҳбатдош: Абулқосим МАМАРАСУЛОВ, Жиззах вилояти**

# ҲУҚУҚИНИ БИЛМАГАН...

Деҳқонларимиз етиштираётган ҳосил тақдири кўп жиҳатдан буюртмачилар билан тузилаётган контрактация шартномаларининг нечоғлик тўғри ва аниқ тузилганига боғлиқ. Лекин ўз дала тузидан нарини кўрмайдиган, кўришни ҳафсала қилмаётган, ҳали ҳам ўз ҳуқуқларини билишга интилмаётган деҳқонлар ўз зарарига шартнома тузиб, ўз зарарларига меҳнат қилаётган ҳолатлар ҳам учраб туради. Ҳуқуқий жамият қуриш орзусида эканмиз, юртдошларимиз хоҳ у қурувчи, олим ёки деҳқон бўлишидан қатъий назар, ҳуқуқий саводхон бўлолмас экан, ниятларимизга эришмоғимиз душвор. Фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англаб етмас эканлар, ўзаро бир-бирини алдашдек инсонийликка зид қусурлар давом этаверади.

Когонлик Санобар опанинг айнан ўз ҳуқуқини билмаслиги унинг алданиб, азият чекишига сабабчи бўлди. Аёлнинг ўз ҳуқуқини тушунмаслигини яхши билган шу туманнинг "Гулистон" ширкат хўжалиги раҳбарияти алдов йўли билан пудратчи билан шартнома тузишади. Аслида С.Раҳмонова режага кўра 7 гектар ердан 24,9 тонна дон етказиб бериши лозим эди. Лекин ўз манфаатини яхши билган хўжалик раҳбари унинг бўйнига 36,4 тонна дон етказиб бериш режасини юклайди.

Санобар опа оила аъзолари билан пешона тери тўкиб меҳнат қилди. Ниҳоят, ғалвир сувдан кўтарилганда эса, опа қилган меҳнатларининг мевасидан тотина олмади. Чунки пудратчи хўжаликдан 6,5 тонна дон қарздор бўлиб қолди. Ҳам меҳнат қилиб, ҳам қарздор бўлиш ақлга сиғмайдиган иш бўлса-да, опа тақдирга тан берди.

- Лекин адлия идоралари томонидан Бухоро вилоятида амалга оширилаётган контрактация шартномалари текшириб чиқилганида, бундай ноқонуний ҳолатлар қонун ҳимоячиларининг назаридан четда қолмади, - деди биз билан суҳбатда Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Ш.Саидов. – С.Раҳмонованинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб айнан Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўзи даъвогар сифатида судга мурожаат қилди. Мазкур иш Когон туман судида кўриб чиқилганида, йўл қўйилган хатолар аниқланиб, Санобар Раҳмоновага суд ҳукми билан 1400 килограмм буғдой натура шаклида ёки унинг бозор нархидаги баҳоси 98 минг сўм жавобгардан ундириладиган бўлди.

Ҳақиқат кечикиб бўлса ҳам қарор топгани кўнглимизни эритади. Лекин ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиб кетганида нима бўларди? Атрофимизда бундай нохуш ҳолатлар содир бўлмаяпти, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Назаримизда, фуқароларни ҳуқуқий саводхонликка қуруқ сўзлар билан чорлаш эмас, улар билан амалий ишлар олиб бориш вақти етди. Хўжалик ва ташкилотларда ҳуқуқшунос хизматлари номигагина эмас, амалда иш кўрсатсинлар. Токи, меҳнаткашлар турли найрангу алдовлар қурбони бўлиб қолмасинлар.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

# АДАШГАН КЎРИНАСИЗ...

Туман ҳокимининг 1999 йил 15 майдаги қарори билан "Сейф" масъулияти чекланган тижорат фирмаси ташкил этдик. Ёз фаслида салқин ичимликларга эҳтиёж катта, харидор кўп. Дўконимиздаги савдо-сотиқнинг авжга чиқаётгани солиқ идорасидагиларга ёқмади, шекилли. Улар қилдан қийиқ ахтариб, текшира бошлашди.

Туман давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат бўлимининг бош инспектори Р. Турсунов фирмамиз иш бошлаганига бир ой бўлмасдан — 11 июнь куни сохта далолатнома тузди. Унга "458 минг 486 сўмлик спиртли ичимликлар, 158 минг 695 сўмлик салқин ичимликлар ва 8280 сўмлик тамаки маҳсулотларини акциз маркаларсиз, назорат касса машинасини ўрнатмасдан савдо қоидаларини бузган ҳолда", деган айбларни тиқиштиришди. Далолатномани туман прокуратурасига ошириб юборди.

Прокуратура 23 июнда дўкон сотувчиси — ўғлим Обиджон Тоштемиров устидан жиноий иш қўзғади. Туман ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи Қ. Мирзаев тергов ҳаракатларини олиб бориб ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан ўғлимга айб эълон қилди. Савдо дўконимиз 48 кун ёпиб қўйилди. Кузга келиб, яъни 10 ноябрда Жомбой туман суди Жиноят Кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан ўғлимни айбли деб топиб, мол-мулкини мусодара қилган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилди.

Адолатсиз ҳукм устидан Республика Бош прокурори, Республика Олий судига мурожаат қилдим. Шундан кейин туман судининг ўғлимга нисбатан чиқарган ҳукми Самарқанд вилоят суди Раёсатининг 2000 йил 5 майдаги қарори билан бекор қилинди. Иш қайта қўшимча терговга юборилди. Жомбой тумани ички ишлар бўлими, сўнг Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси терговчилари томонидан қўшимча тергов ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят таркиби йўқ деган тўхтамга келишди. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқат қарор топди.

Жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатилишига дўкондаги мавжуд спиртли ҳамда салқин ичимликларнинг ҳаммасида акциз маркалари борлиги, фирма эса туман ҳокимлиги томонидан спиртли ва пиво ичимликлари сотиш ҳуқуқини тасдиқловчи 6-сонли рухсатнома олганлиги, текшириш пайтида дўкон кассасидаги нақд пуллар 7485 сўм эканлиги, О. Тоштемиров томонидан назорат касса аппаратидан фойдаланилмаганлиги, ўғлим муқаддам юқоридагидек қоидабузарлик ҳолатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилмаганлиги сабаб бўлди. Вилоят адлия бошқармаси ўғлим Обиджон Тоштемировнинг қонуний манфаатларини кўзлаб моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик судига ҳужжат тайёрлай бошлади. 90 минг 114 сўмлик моддий ва 300 минг сўмлик маънавий зарарни айбдорлар — туман ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи Қўлдош Мирзаев ва солиқчи Рустам Турсуновлар ҳисобидан ундирилишига хулоса қилинди. Шу орада терговчи Қ. Мирзаев хатосини мардларча тан олди. Адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, умумий даъво қийматининг тенг ярми 195 минг 57 сўмни 2001 йил 17 апрел куни тўлади.

Адлия бошқармаси солиқ инспекцияси ходими Рустам Турсуновдан 195 минг 57 сўм моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида судга даъво аризаси киритди. Шу йилнинг 27 июнида Жомбой туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди судья Мақсуд Салоҳиддинов раислигида очиқ суд мажлисида ҳал қилув қарори чиқарди. Қарорда Р. Турсунов эмас, балки туман молия бўлими жавобгар бўлиб чиқди.

Бизни ўғлим аввалига нега қораландию, кейин нега оқланди, деган савол кўп ўйлантиради. Ўшанда — икки йил бурун Рустам Турсунов билан солиқ идораси бўлим бошлиғи Насим Равшанов бирга тафтишга келган эди. Лекин, Н. Равшанов далолатномаларга имзо чекмагани учун ўзини айбланишдан сақлаб қолишга роса уринди ва бунга эришди ҳам. У ўғлимни, она сифатида мени ва бошқа туғишганларимизни икки йил давомида азият чекишимизга сабабчи бўлганлардан бири. Нега Н. Равшанов интизомий чорадан четда қолиши керак. Бошимизга бир умр ёддан чиқмайдиган ташвишни солган бу солиқ идораси ходимларининг орқасида кимлар турибди?!

Матбуот — эркин фикр минбари. "Инсон ва қонун" газетаси ана шу эзгу вазифани тўлақонли бажараяпти. Газетанинг 26 июнь сонида қашқадарёлик Моҳира Эшқобилованинг дарду-ҳасратларига тўла "Мен қандай қилиб фермер бўлдим?" мақоласи босилган эди. Моҳира синглимизнинг кураши яхши натижа билан якун топишига ишонаман. Бироқ, бизники поёнига етадиган кўринмайди. Асабларим жуда толиқди. Бунга сабаб фуқаролик суди судьяси М.Салоҳиддинов томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорида чалкашликлар борлигидир.

М. Салоҳиддиновга айтар гапим: Сиз адашган кўринасиз, қози бува! Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 19 январдаги қонунига, Фуқаролик Кодексининг 15, 990 ва 991-моддаларига кўра етказилган зарарларни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундириш мумкинлиги тўғрисидаги ҳуқуқий норма киритилган. Сиз қонунга итоат этмасдан масалани атай чигаллаштиргансиз. Адлия бошқармасининг моддий ва маънавий зарарни айбдор шахсдан ундириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантирмасдан молия бўлимига юклагансиз.

Таажжублантирадиган томони яна шундаки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги қароридан бехабармисиз? Мазкур қарорда суднинг қарори асосида айбдор шахсдан ҳам моддий, ҳам маънавий зарар ундирилиши кўрсатилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишлаган йиғилишда адлия вазири моддий ва маънавий зарарни шахсан айбдор чўнтагидан ундириш ҳақида айтган фикрлари юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг тасдиғи эмасми?!

Туман молия бўлими ўзбошимча солиқчининг етказган моддий ва маънавий зарарини тўлайди. Ундан кейин молия бўлими судга даъво аризаси ёзиб, солиқ идораси ходимидан ўша суммани ундириб беришни сўрайди. Сўнгра айбдор қонуний тартибда молия бўлими кўрган зарарни қоплайди. Қаранг, қанча одамлар сарсон, қанча одамлар асаби эговда.

Молия бўлимларининг аҳволи эса маълум. Улар мактаб, мактабгача тарбия, маданият, тиббиёт муассасаларига маблағ ажратсинми ёки ҳақиқат олдида кўзини чирт юмиб, сохта далолатнома билан бурчига хиёнат қилган Рустам Турсунов сингариларнинг зарарини қопласинми?!

Буни қандай тушуниш керак?! Умуман айтганда, жавобталаб саволлар кўп. Менинг юқоридаги мулоҳазаларим қонунга тўғри келадими? Судья М. Салоҳиддинов чиқарган ҳал қилув қарори тўғрими? Юқори турувчи қонун идоралари бу масалага ҳаққоний баҳо бериб, адолатли сўзини айтар...

**Зебинисо ХУДОЙҚУЛОВА,**
**Жомбой тумани "Сейф" масъулияти чекланган тижорат фирмаси раҳбари**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**Зебинисо опанинг бошидан кечирганлари кишини ўйга солади. Лекин бу бир томоннинг фикри эканлигини унутмаслигимиз лозим.**

**Хўш бунга мутасадди ташкилотлар нима дейди? Биз уларнинг жавобини кутамиз.**

*Адлия тизими*

## ЖИЗЗАХ

Арнасой туманидаги "Нигор" фермер хўжалиги 2000 йил январ ойида Арнасой дон қабул қилиш акциядорлик жамияти билан шартнома тузиб, давлат эҳтиёжи учун 50 тонна "Улуғбек-600"навли уруғлик дон етказиб бериш мажбуриятини олган. Ва уни 59 тоннага етказиб бажарган. Арнасой дон қабул қилиш акциядорлик жамияти эса шартномага асосан фермер хўжалигига уруғлик нархида ҳақ тўлаши лозим бўлса-да, бош тортган. Натижада, фермер хўжалиги раиси Несибали Мусурмонова Жиззах вилоят адлия бошқармасига амалий ёрдам беришни сўраб, ариза билан мурожаат қилган. Ушбу ариза адлия бошқармаси ходимлари томонидан ўрганилиб, судга фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, даъво аризаси киритилиб, "Нигор" фермер хўжалиги фойдасига 507.000 сўм, шунингдек, фермер хўжалиги раиси Несибали Мусурмонова фойдасига 10.000 сўм маънавий зарар, жами 517.000 сўм ундириб берилди.





*Қорақалпоғистон:*
*Истиқлол йилларидаги бунёдкорлик.*

**Суратлар муаллифи: Нурмамат АЛМУРОДОВ.**

# ТАЛТАЙТИРСА ТУМАН КАТТАСИ...

Ишонгингиз келмайди: фермернинг 20 гектар бедапоясини шудгор қилиб ташлашди. Эҳ, шу билан яна бир фермерчилик ҳаракати йўлига тўсиқ қўйилди, дерсиз. Кошки эди, масала шунчалик бир ёқлик бўлиб қолганида! Таассуф ва таажжуб билан айтиш лозимки, илдизга урилган кескир болта эмас, балки бир гуруҳ ношудлар томонидан ишлатилаётган ўтмас арра экан. Қани энди кесиб кесолса ёки қўйиб қўёлса.

Аввал "Чорбоғ" ҳиссадорлик жамияти, сўнг "Холиқбой ота" фермер хўжалигига қарашли бўлган эски бедапояни шудгорлатиб ташлаш тўғрисида ўтган йилнинг 18 октябрида А.Носиров номидаги деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллари йиғилишида қарор қабул қилинган эмиш. Аслида бошқачароқ, лекин шундай гап бўлган. Майли, буёғини қўя турайлик, ўз ҳисоб рақами ва алоҳида ҳисоботига эга бўлган, ерни ижарага олган фермер хўжалигининг бедапоясини ҳайдатиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилишга уюшма вакиллар йиғилишининг ваколати бормиди? Бу деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Муҳаммадсултон Юлчиевни ҳеч бир қизиқтирмади. Унинг кўнгли шу ишни тусаганди, бажарди, вассалом. Иззат-нафси бир қадар ором олди, тамом.

Ҳаммаси шундан сўнг бошланди. 2000 йил 15 октябрда туман ҳокими "Чорбоғ" ҳиссадорлик жамиятини хусусийлаштириб, унинг асосида "Холиқбой ота" фермер хўжалигини ташкил этиш, жамият мол-мулкини шу фермер хўжалигига ўтказиб бериш тўғрисида қарор чиқарган. 18 октябрда эса А.Носиров номли ДФХУси вакиллари йиғилиши қаердадир 30 гектар эски бедапоя борлигини эслаб қолган ва шуни шудгорлатиб ташлаш зарур, деган ҳукм чиқарган. Сабаби бедапоя эски, экилганига 8-9 йил бўлганмиш. Шу боис раис М.Юлчиев буюради, бош ҳосилот (собиқ) Т.Абдураззоқов туман МТПсидан "Магнум" тракторини бошлаб келиб, бедазорни 28 ноябрда шудгорлатиб ташлайди. Бундан фермер Қўчқор Холиқов мутлақо бехабар.

Фермер ўшанда 110 бош қорамолга ем-хашак заҳираси етмаслигини, эрта кўкламдан бошлаб, эски бедапоядан кўк ўт ўриб олиб, молларнинг жонини асраб қолишни мўлжаллаб турган экан. Бир кун бориб қараса, эски бедапоянинг 20 гектари йўқ. Раисга борса, у "эски бедапояни мен ҳайдатиб ташладим, чунки сиз 8-9 йиллик бедазордан фойдаланиб, экин ерларининг унумдорлигини камайтириб юбораяпсиз, кўп жойида бедаям қолмаган", деб жавоб берибди. Тўғри, шу бедазор бир пайтлар А.Носиров номли хўжаликка қарашли бўлган, сўнг чорвачилик ёпиқ ҳиссадорлик жамияти ихтиёрига ўтган, ундан фермер хўжалигига чорваси билан берилган. Раис экин майдони тақдирига шунчалик жонкуяр экан, аввал фермер билан учрашса, уни огоҳлантирса, ердан нотўғри фойдаланаяпсан деб, ана, борингки, дўқ ҳам урса бўлмасмиди?! Унда "раис ушлаган жойдан кесадиган экан", деган миш-мишлар исботини топмасди-да. Мана, нима керак бўлган унга.

Тўғри фаҳмладингиз, албатта, бедодликка фермер Қ.Холиқов бепарво қараб туролмасди. Уюшма раиси унинг гапига қулоқ солмагач, бедазорни тиклаб бериш ёки етказилган зарар ўрнини қоплашда ёрдам беришларини сўраб туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотларга мурожаат этди. Бир томон ишни яна раис ихтиёрига ҳавола этишдан, фермер эса эшикма-эшик қатнашдан чарчамади. Охири, кимдир ўжар фермернинг танобини тортиб қўйиш зарур деган қарорга келди, шекилли, фермер хўжалигини тўсатдан текширувчи комиссия босди.

Фермер комиссиядан рухсатнома борлигини сўради. Улар бу вилоят ҳокимининг топшириғи, деб жавоб беришди. Кейин маълум бўлдики, бу вилоятдагина эмас, туман ҳокимининг расмий топшириғи ҳам эмас экан. Чунки бу текшириш режага киритилмаган бўлиб, унинг расмий асосий йўқ эди. Одатдагидай тўпланишгану фермер хўжалигини текширгани келишаверган. Ҳолбуки, комиссиядагилар ёш болалар эмасди. Уларнинг бошчиси А.Қўлдошев вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Т.Турдиқулов бошқарма етакчи мутахассиси, А.Усмонов, Н.Милтиқбоев ва Ю.Ўтаганов туман қишлоқ ва сув хўжалигининг етакчи мутахассислари эдилар. 12 апрел куни текшириш ўтказилиб, далолатнома тузилди. Бироқ эртаси фермерни туманга чақиришиб, бугун қайтадан текширамиз, кечаги далолатнома вилоят ҳокими биринчи ўринбосари А.Примқуловга ёқмади, камчилик ва нуқсонлар кўрсатилмабди, дейишди. Комиссия яна ҳужжатларни титиб чиқиб, далолатнома тузди.

Молларига хашак тополмай, уларни мажбуран сўйиб юбораётган фермер эса бунга чидаёлмай, яна шикоят ёзишга тушди. Охири, иш судгача бориб етди. Шу орада нима гаплар бўлди? А.Носиров номидаги ДФХУси раиси М.Юлчиев тушунтириш хатида шундай ёзади: "Умумий йиғилиш қарорида лозим топилса, беда қайта экиб берилади". Уюшма бош иқтисодчиси Ҳ.Боймаматов хатидан кўчирма: "Холиқбой ота" фермер хўжалигига бошқа контурдан беда экиш учун ер майдони ажратилади ва ўзи экиб олиши керак... экиш учун бедани уруғ сарфи ва бошқа харажатлар "Чорбоғ" ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан бажарилади".

Хўш, А.Носиров номидаги ДФХУ вакилларининг 2000 йил 18 октябрдаги йиғилиши қарори қандай эди:

"1. "Чорбоғ" х/жамиятига қарашли 20 гектар бедапояни А.Носиров номли ДФХУга ғўза экиш учун қайтариб олинсин.

Ўрнига "Учхоз"дан 50 гектар ер майдони ажратиб берилсин ва озуқабоп экинлар экиш режалаштирилсин..."

Ушбу қарорга туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири Р.Тўраев хўжалик ичида ҳал бўлади, деб резолюция қўйган. Ниҳоят, 12 февралга келиб, туман ҳокими М.Эгамназаровнинг ДФХУ раиси М.Юлчиевга ёзган хатида шундай дейилган: "Гулистон туман ҳокимлиги "Холиқбой ота" номидаги хусусий фермага бириктирилган 20 гектар эски беданинг 3 йилга мўлжалланган агротехник муддати 2-3 баробар ошиб кетганлиги оқибатида олинаётган беда пичанининг ҳосилдорлиги ўртача 50 центнердан ошмаётганлигини ва ушбу майдоннинг умри бекор ўтаётганлигини инобатга олиб, бу майдон шудгор қилиниб, 2001 йилда пахта экиш белгиланишини маъқуллайди..."

Албатта, гап гўё турли субъектлар ҳақида бўлса-да, асли зарба битта нуқтага қаратилганини англагандирсиз. Ушбу ғализ жумлаларни атайлаб таҳрирсиз келтирдик. Лекин фикрингизни бошқа масалага қаратмоқчимиз. Бебошликларга туман ҳокими қонуний тус бериб тургандан кейин бошқалар бўш келармиди? Лекин суд ДФХУ раиси, бош иқтисодчисидек фикрламади, туман ҳокимлигидагилар хатосини такрорламади. 23 апрелда вилоят фуқаролик иши бўйича очиқ суд мажлиси Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203-206-моддаларига асосан жавобгар А.Носиров номли ДФХУсидан даъвогар "Холиқбой ота" номидаги хусусий чорвачилик фермаси фойдасига, унга етказилган 6 миллион 241 минг 641 сўм моддий зарар, 70 минг сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида қарор қилди. ДФХУ раиси жавобгар М.Юлчиевдан давлат фойдасига 1.262.328 сўм давлат божи ундирилади.

Шу йил 24 майдан Гулистон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди ноқонуний текширишлар ўтказаётган жавобгарлар А.Қўлдошев, Т.Турдиқулов, А.Усмонов, Ю.Ўтаганов, Н.Милтиқбоевлардан даъвогар фойдасига солидар тартибда 50 минг сўм моддий, 75 минг сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарди. Ниҳоят, 7 июнда Гулистон туман жиноят ишлари бўйича суди судланувчи Юлчиев Муҳаммадсултонни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "А"банди билан айбдор деб топиш ва шу модда билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, икки йил ойлик иш ҳақидан 20 фоиз давлат фойдасига ундириб бориш шарти билан ахлоқ тузатиш иши жазосини белгилади. Уни икки йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарилди.

Гулистон туман жиноий ишлар бўйича суди томонидан М.Юлчиевни раҳбарлик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ўз ҳукмини чиқарган бўлса-да, туман ҳокими М.Игамназаров ҳукм ижросини негадир пайсалга солиб, раисни ўз паноҳида асраб келмоқда.

Эркалатса онаси — талтаяди боласи, деган мақолнинг янги тури ушбу туманда пайдо бўлибди. Раисни талтайтирса, туман каттаси — ширкатда чиқар ишнинг шаттаси. М.Юлчиев кимнинг эркаси эканлиги, унинг, ортида кимлар турганлиги тобора ошкор бўлиб бормоқда.

**Абубакр БОЙСАРИЕВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси,**
**Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,**
**журналист**

*Ҳуқуқий маърифат*

# ФУҚАРО ВА ФУҚАРОЛИК

## унинг бурчи ва масъулияти

Фуқаро ва фуқаролик тушунчаси қадимдан мавжуд бўлиб, давр ва замонга қараб унинг мақоми ўзганиб турган. Хўш, ҳозирги кунда ушбу ҳуқуқий категорияга муносабат қай тарзда? Том маънодаги фуқаролик жамияти сари интилаётган юртимизда мазкур масалага қандай ёндашилмоқда?

Шу каби саволларга жавоб бериш мақсадида сўзни тарихдан бошлашни маъқул топдик. Тарихга назар соладиган бўлсак, ўтмишда фуқаро ўрнида асосан табаа, раият, баъзан шу сўзнинг ўзи ҳам қўлланилган. Алишер Навоий асарларида раият сўзи кўп учрайди. "Тарихи мулуки ажам" асарида "Дерларким, етти йил раиятдан хирож олмайди" деб ёзса, "Садди Искандарий" достонида бундай хитоб қилади:

Раиятга қилса қаламзан ситам,
Қаламзаннинг илкини қилсун қалам.

Мустақилликка эришилгач, атама сифатида фуқаро сўзи жорий этилди. Қадим аждодларимиз сўзлашув ва ёзма нутқда камтаринлик юзасидан ўзларини ("мен" сўзини ишлатишни такаббурлик деб билиб) "камина", "фуқаро", "фақир" деб атаганлар. Шу боис 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаро сўзининг атама сифатида амалиётга жорий этилиши қонунийдир.

Шахснинг муайян давлат томонидан қонун билан мустаҳкамланган муҳофаза этилиши фуқаролик дейилади, шундай ҳуқуққа эга шахс эса фуқаро деб аталади. Шу боис ҳар бир ўзбекистонлик фуқаро мамлакат Конституцияси ва бошқа қонунларда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиш баробарида уларда кўрсатиб ўтилган бурчларни бажариши шарт. Ўзбекистон фуқаролари миллати, ирқи, жинси, касб-кори, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, фуқаро сифатида қонун олдида ҳуқуқан тенгдир. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билиб олишлари ва ҳимоя қилишлари ҳамда бурчларини чуқур англаб етишлари учун уларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаб бориш муҳим вазифалар сирасига киради. Шу маънода жорий йилнинг январ ойида қабул қилинган Президент Ислом Каримовнинг **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармойишида Конституциянинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини шакллантириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун ва моҳиятини тарғиб этиш кўзда тутилгани билан беқиёс аҳамиятга эгадир.

Конституциянинг 18-моддаси биринчи бандида шундай дейилган: **"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир".**

Бинобарин, қонун олдида тенг бўлишлик ўз навбатида барча фуқароларимиз зиммасига Ўзбекистон Конституциясини, Олий Мажлис қабул қилган ва қабул қилажак барча қонунларга тўлиқ риоя этиш масъулиятини ҳам юклайди.

Шу билан бирга, Конституциямизда фуқароларимизнинг бурчлари ҳам аниқ белгиланган. Жумладан, Асосий Қомусимизнинг 47-моддасида **"Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар",** деб ёзиб қўйилган.

Шу ўринда миллий масъулият ва фуқаролик масъулияти тушунчаларига изоҳ беришни лозим топдик. Чунки аҳолиси кўп миллатли бўлмиш ҳар бир мамлакатнинг фуқаролари бу икки масъулиятни руҳан, ақлан ва қалбан ҳис этиб, унга қатъий риоя қилса, халқнинг жипслиги янада мустаҳкамланади.

Ҳар бир халқнинг онгли аъзоси ўзи мансуб бўлган миллатнинг олдида масъулиятли бўлади. Халқнинг миқдорий, иқтисодий, маданий, ахлоқий, маърифий ва маънавий тараққиёти, ер юзидаги бошқа миллату элатлардан орқада қолиб кетмаслиги биринчи навбатда шу миллатга мансуб кишидаги жавобгарлик туйғусининг шаклланиш даражасига боғлиқ. Инсон босган ҳар бир қадамида миллатнинг умуммманфаатини унутмаслик керак. Бу эса кишининг сиёсий онглилиги ва маънавий етуклиги даражаси билан белгиланади. Ана шу ҳодиса миллий масъулият дейилади.

Изоҳланиши шарт бўлган тушунчалардан бири "фуқаролик масъулияти" тушунчасидир. Хўш, фуқаролик масъулияти нима? Ҳар бир давлатнинг, масалан, Ўзбекистоннинг ҳар бир онгли фуқароси қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар, республика Конституциясида кафолатланган ҳуқуқлардан фойдаланар экан, шунга жавобан фуқаролик масъулиятини ҳам ҳис этиши керак. Бу — ҳар бир фуқаро республика Конституциясига, Олий Мажлис қабул қилган барча қонунларга, Вазирлар Маҳкамаси чиқарган қарорларга риоя этиши ва ҳурмат қилиши, уларнинг амалга ошиши учун масъулият сезиши лозим, деганидир.

Мамлакатимизда жорий этилган қонун-қоидалар Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро учун баббаравар тегишлидир. Давлат ўз фуқаросига ҳуқуқ ва кафолат берар экан, шунга яраша унинг зиммасига масъулият ҳам юклайди. Қонун-қоидаларга риоя этишда истисно бўлмайди. Қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, фуқаро сифатида ҳамма қонунан бир хил мақомга эга. Бир хил мақомга эга шахслардан талаб ҳам бир хил бўлади. Ана шу нарсага фуқаролик масъулияти дейилади. Бинобарин, Ўзбекистон — юртимизда яшовчи барча фуқароларнинг ягона давлатдир.

Фуқароларда фуқаролик масъулияти қанчалик кучли бўлса, Ўзбекистон халқи шунчалик жипслашади, халқлар дўстлиги янада мустаҳкамланади, биродарлик туйғуси кучаяди. Бу эса келажаги буюк давлат қуриш сари ташланган қадамлардан биридир.

Хуллас, бугунги кунда жамиятни бошқармоқ ва ривожлантира бормоқ, мустаҳкамламоқ, куч-қудратини оширмоқ мақсадида юксак аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар соҳада юксалиш бўй чўзгани сайин, давлат вазифалари босқичма-босқич қуйи бошқарув идоралари ва жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказила борилади. Бунга тезроқ етишмоқ кишиларимизнинг миллий ва фуқаролик масъулиятларини нақадар теран англай билишларига боғлиқ. Демак, Конституциямизнинг маъно-мазмунини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш нафақат ҳуқуқшуносларнинг, балки зиёлиларнинг ва барча инсонларнинг фуқаролик бурчидир. Бу вазифанинг амалга оширилиши келажаги буюк давлат қуриш йўлида муҳим маънавий омиллардан бири бўлиши шубҳасиз.

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ**

*Тарих тилга кирганда*

# ҚОНУНЧИЛИГИМИЗНИНГ ИЛК АСОСЛАРИ

Ўлкамизда яратилган қадимий ёзма манбалардан бири бўлган "Авесто"да қонунчиликка ҳам тегишли бўлган кўп маълумотлар бор. Айниқса, унинг "Вендидод" деб аталган қисмида жиноят ва жазо тушунчалари талқинига кенг ўрин берилган. Унда ёзилишича, бир кишини урмоқ қасдида қўлига қурол олган кишининг гуноҳи "очирпата" деб аталган. Кимда-ким бировни урмоқ қасдида отланса, ана шу жиноятни содир этган деб ҳисобланган ва беш қамчи "аспаҳиҳашатра" билан, беш қамчи "саравушучарана" билан саваланган.

Кимда-ким бировнинг уйига бостириб кирса ёки бир жароҳат етказиш ниятида жаҳл билан қурол ўқталса, зардуштийлар удумига кўра, унинг қилган жинояти "авауйрайшта" номи билан таснифланган. Ушбу жиноятни содир этган кимсанинг жазоси "пишавтану" деган амал билан белгиланган. Бу амал илк бор жиноят содир қилган кимсани қирқ қамчи уриш лозимлигини билдирган.

Шу билан бирга зардуштийликда жиноятнинг кўплаб турлари таснифланган ва жиноятчининг қилган ҳар бир хатти-ҳаракати муайян атамалар билан номланиб, айбдорга тегишли жазо чоралари белгилашда улар ҳисобга олинган. Масалан, юқорида айтганимиздек, қўлга қурол олиб, кишини урмоқ қасдида унинг боши ура айлантириш жинояти "аваурайшта" деб аталгани ҳолда қурол билан бировга дағдаға қилиш "аридуш" жинояти деб баҳоланган. Чунки бундай ҳаракатни содир қилган кимса қасд қилгани билан кишига тан жароҳати етказмаган бўлади. Мабодо, жароҳат етказган бўлса ҳам оғир асоратларга олиб бормай, захми уч кун ичида тузалиб кетади, деб қаралган. Шундай бўлса-да, "аридуш" жиноятини содир қилган кишидан жабрдийда фойдасига товон ундирилган ҳамда у ўн беш қамчи билан саваланган. Товон тўланганидан кейин ҳам шу жиноят қайтарилган бўлса, янада оғирроқ жазо чораси белгиланган. Шунингдек, "Авесто"да бировни уриб, унга қаттиқ шикаст етказиш, бегуноҳ одамга зарар етказиб, қонини тўкиш, бировни уриб, суягини синдириш, калтаклаб ҳушидан кетказиш каби жиноятларнинг тавсифи ва уларга белгиланган жазо чораларининг моҳияти хусусида батафсил маълумотлар берилган.

"Авесто"да оила ва никоҳ муаммолари, ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчлари хусусида ҳам қимматли фикрлар мавжуд. Зардуштийликда оилали одам хотинсиз, бола-чақасиз кимсадан афзалроқ, деб қаралган. "Авесто"да Ахурамазда Зардуштга шундай насиҳат қилади: **"Эй, Зардўшт! Кимнинг хотини бўлса, у хотинсиз ва дунёдан фарзандсиз ўтаётган кимсадан яхшироқдур. Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдур".**

"Авесто"да ўша замонларда яшаган аждодларимизнинг оилавий-маиший маросимлари, урф-одатлари ҳақида ҳам маълумотлар бисёр. Зардўштийлар одатига кўра, ота-она вафот этгач, ўғил ва қизлар улар учун маълум муддат мотам тутган. "Авесто"да яхши инсонлар учун тутиладиган мотам муддати уч кун, гуноҳкорлар учун эса олтмиш кун деб белгиланган. Мотам маросимидан кейин марҳум ёки марҳума вафот этган хонани поклаш маросимини ўтказилган. Бу ҳақда "Вендидод"да қуйидагилар ёзилган: **"Тан уч марта ювилади. Уч марта либослар ювилади. Гоҳлар (яъни муқаддас алқовлар) уч карра қироат қилинади. Ёхуд оловга назр қилинади. Боғловлик барсам дастаси тақдим этилади, эзгулик сувидан тотилади".**

Зардўштийлик қонунчилигига кўра, бешта гуноҳ пушаймонлик ва товон тўлаш билан кечирилмайдиган жиноятлар сирасига киритилган. Бундай гуноҳларнинг умумий номи "Авесто"да "пишавтану" атамаси билан ифодаланган. Бу сўз "ўз гуноҳи учун танасини бағишлаган кимса" ёки "арзон ўлим" деган маъноларни билдирган. "Авесто"да талқин этилишича, Зардўшт Ахурамаздага мурожаат қилиб, шундай савол берган: **"Гуноҳга ботиб "пишавтану", яъни арзон ўлимга мустаҳиқ бўлган кимсаларнинг пушаймонлик ёхуд товон тўлаш билан ҳам кечирилмайдиган гуноҳлари сони нечта?"**

Шунда Ахурамазда гуноҳлари эвазига ўлим жазосини топгуси кимсаларнинг гуноҳларини бирма-бир санаб берган:

**"Эй, пок Зардўшт! Бундай гуноҳларнинг сони бештадир. Биринчиси, кимки кўриб, била туриб, бегона дин ва элат эътиқодини бир "ашаван" (зардўштийлик эътиқодига собит бўлган солиқ киши)га ўргатса, бу гуноҳ "пишавтану", яъни арзон ўлимдир.**

**Иккинчиси, кимки қаттиқ суякни ёхуд ниҳоятда қайноқ егуликни хонаки итга берса, агар ўша суяк ит тишлари ёхуд томоғига тиқилиб қолса ёки қайноқ хўрак унинг тил ва оғзини куйдириб, оқибатда ит нобуд бўлса, бундай кишининг гуноҳи "пишавтану", яъни арзон ўлимдир.**

**Учинчиси, кимки бўғоз итни урса, қувиб ёхуд қичқириб, оёқ-қўллари билан унга таҳдид солиб қўрқитса ҳамда агар ўша ит бирор чуқурга, чоҳга, жарликка, дарё ёхуд анҳорга йиқилиб, шикаст топса ва ниҳоят ўлса, гуноҳкорнинг амали "пишавтану", яъни арзон ўлимдир.**

**Тўртинчиси шуки, қай бир эр ҳайз кўрган хотин билан хоҳ табиий, хоҳ нотабиий бўлсин, жинсий алоқа қилса, унинг гуноҳи пишавтану, яъни арзон ўлимдир.**

**Бешинчиси шундан иборатки, қай бир эр қорнида боласи бор хотин билан алоқа қилса, кўксига сут хоҳ келган бўлсин, хоҳ келмаган бўлсин — хотинга шикаст етса ва нобуд бўлса, гуноҳкор эрнинг амали "пишавтану" саналади".**

Зардўштийлик мифологияси ва маросимларида ит муқаддас жонивор деб тасаввур этилгани боис итга озор бериш ҳам оғир жиноят ҳисобланган.

Булардан ташқари, "Авесто"да зино инсон руҳиятини тубанлаштирадиган ва одамзодни маънавий тубанликка етаклайдиган оғир жиноят сифатида қораланган. Зардўштийлар одамларни зино қилмасликка, оилани муқаддас билишга чақирган. Чунки ҳар бир оқил инсоннинг бу ёруғ оламдаги ҳаёти давомида олажак савоби жисмоний ва маънавий баркамол фарзандлар ўстиргани билан белгиланган. "Авесто"да баён қилинишича, ҳомилани сунъий йўл билан тўхтатиш ёки туғилган чақалоқни нобуд қилиш кечирилмас гуноҳ азимдир. Бу ҳақда "Вендидод"даги ўн бешинчи "фаргард"нинг 11-бандида шундай дейилади: **"Агар бир эр балоғатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган бўлсин, жинсий алоқа қилса ва ўша қиз ё жувон ҳомиладор бўлгач, одамлардан номус қилиб, тириклик меваси бўлмиш бачадондаги бир парча гўштни нобуд қилса, одам ўлдириш гуноҳи аёл ва эркак гарданидадир. Улар ошкора қатл этилади".**

Тириклик меваси бўлган ҳомилани йўқотишга хайрихоҳлик қилган ёки бевосита шу ишда иштирок этган киши ҳам жазога лойиқ деб топилган. "Авесто"да бу тўғрида қуйидагиларни ўқиймиз: "Агар бир эр балоғатга етган қиз ёхуд жувон билан хоҳ тумушга чиққан, хоҳ чиқмаган бўлсин — жинсий алоқа қилса ва қиз ё жувон ундан ҳомиладор бўлгач, эрга "Сен мени ҳомиладор қилдинг!" деса, эр унга жавобан "Бир қария кампирни қидириб топ. Токи у ҳомилангни туширсин!" деса ва қиз ё жувон қария кампирнинг ҳузурига йўл олса ва кампирга қорнидаги ҳомилани туширмоқни буюрса, кампир болани тушириб берса-да, эн унга "Тириклик мевасини олисларга элтиб ташла!" деса, қиз ё жувон тириклик мевасини узоқларга элтиб ташласа, бу гуноҳнинг юки ҳар учовининг гарданидир".

"Авесто"да фақат жиноят ва жазо тушунчалари билан чекланиб қолинмаган. Зардўштийликда айбдорларни ўз айбига иқрор қилдириш ҳамда кишининг гуноҳкор ёки айбсизлигини текшириб кўришнинг ҳам муайян усуллари шаклланган. Шундай усуллардан бири олов олдида синаб кўриш бўлган. Чунки зардўштийликда олов муқаддас ҳисобланган. Ибодатхоналардаги махсус оташкадаларда ана шундай муқаддас олов доимо ёниб турган. Айбдор ёки айбсизликни исбот қилиш учун гумондор ана шундай олов олдига олиб борилиб, қасам ичирилган. Шу боис "Вендидод"-даги тўртинчи "фаргард"нинг 46-бандида "ҳеч ким сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилмасин. Ҳеч ким ўз қўшнисидан олган омонатидан тониб, ёлғон сўзламасин" дейилган.

Назаримизда, зардўштийлик қонунчилиги амалиётида кишининг айбдор ёки бегуноҳлигини аниқлашда муқаддас олов билан боғлиқ эътиқодлар муҳим ўрин тутган. Ўша даврдаги эътиқодларга кўра, сув ва олов ёнида ёлғон сўзлашга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмаган. Чунки "сув ва ёниб турган олов қошида қасамини бузган одамнинг айби авф этилмасдир. У иккинчи дафъа тавбага кўз тутолмагай".

Оловнинг олдига олиб борилган киши ўз айбини бўйнига олган ва ёлғон сўзлашдан ўзини тийган. Зеро, зардўштийлик ақидаларига кўра, покиза сув ва ёниб турган муқаддас олов қаршисида густоҳлик қилган зотнинг топадиган ажри бу дунёнинг жамики дарду озорларидан мудҳишроқ, деб қаралган. "Авесто"да ёзилишича, олов қаршисида ёлғон сўзлаган кимсанинг у дунёда, яъни дўзахда оладиган жазоси одамзод вужудига ўтмас қозиқларни қоқмоқдан-да, юз чандон азоблироқ, тоғ чўққисидан тубсиз жарликка қулаб тушаётган одам юрагини қоплаган ваҳмдан кўра юз чандон даҳшатлироқдир.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Авесто"да энг қадимги анъана ва урф-одатлар баробарида ўша вақтдаги кишилик жамияти ҳақидаги маълумотлар ёзиб қолдирилган. Шу боисдан ҳам узоқ ўтмишда яшаган аждодларимизнинг бениҳоя улкан ақлий салоҳияти маҳсули ўлароқ юзага келган "Авесто"ни ўқиб-ўрганиш улкан аҳамиятга эгадир. Шуни ҳисобга олиб, юртимизда "Авесто"ни ўрганиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Зеро, "Авесто" нафақат тарих ва маънавият бобида, балки қонунчилигимиз тарихини ўрганишда ҳам бениҳоят қимматли манба ҳисобланади.

**Маматқул ЖЎРАЕВ,**
**Қурдош ҚАҲРАМОНОВ**



Синовлар ортда қолди...

# МЕРОС ЭМИШ...

## Лекин отахон меросни Тожикистонга олиб ўтиб, катта маблағ эвазига пулламоқчи бўлди

Фарғона вилояти, "Андархон" Божхона пости ходими Тожикистон Республикасига ўтиб кетаётган, соч-соқоли ўзига ярашган нуроний отахон қўлига Т-6 русумдаги божхона декларациясини бериб, уни тўлдириш йўл-йўриғини тушунтирди. Яъни у ўзи билан олиб ктеаётган товарларни декларацияда кўрсатиши лозим эди. Отахон қоғозни тўлдирди-да, божхоначига тақдим этди.

- Отахон, декларацияда кўрсатилишича, шунча қоғоз қутида фақат 400 дона ўзбек миллий пичоғи бор экан, холос. Шундайми? — сўради инспектор.

- Шундай, ўғлим.
- Бошқа яширин моллар йўқми?
- Ниманиям яширардим.
- Узр, отахон, хизматчилик. қутиларни бир очиб кўрамиз.

Отахон безовталаниб қолди. Бунинг сабаби фақатгина миллий пичоқлар, деб ниқобланган қутичалар остида накд 36 номдаги 43 дона қадими, тарихий аҳамиятга эга, турли йилларда, турли мамлакатларда чоп этилган диний, илмий ва бадиий китоблар бор экан. Ҳатто астрономия фанига оид китоб қадимда Марказий Осиё халқларининг бошқа фанлар қатори шу фанда ҳам кўплаб илмий ишлар олиб боришганидан далолат бериб турибди.

Маълумки, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма асарларини Республика ҳудудидан ташқарига ноқонуний олиб чиқиш таъқиқланган. Лекин Бағдод туманининг Қоракўл қишлоғида истиқомат қилувчи нафақахўр Абдулҳаким ота Абдупаттоевнинг амалдаги қонунни билмаслиги, пичоқларнинг тагидаги китобларни кўришмаса керак, деб ҳаёл қилгани уни уялтириб қўйди. Отахон айтган пичоқ 400 та эмас, божхоначилар ва гувоҳлар иштирокида саналганда, 1486 та бўлиб чиқди. Агар шунча совғабоп пичоқни пулга чақадиган бўлсак, 445 минг 800 сўмни ташкил қилар экан.

Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи тарих бўлими мудири Нодирбек Абдулаҳадов ушбу бебаҳо тарихий китоблар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

- Мазкур китоблар Ҳиндистон, Тошкент, Эрон ва Қозон шаҳарларида чоп этилган бўлиб, улар ичида диний, дунёвий ва бадиий асарлар ҳам бор. Бу китоблар ўз замонида ўта мукаммал асарлар ҳисобланган. Бунга Жалолиддин Румийнинг "Маснавий" китобини киритиш мумкин.

"Ҳидойи Шариф" - "Ҳидояга шарҳлар" китоби халқимизнинг ўша даврда ҳам қонунчиликда мукаммал даражага эришганликларини кўрсатиб турибди. Ушбу китоблар ўз даврида мадрасаларда кенг қўлланилиб келинган ва халқимизнинг қонуншуносликда ҳам ўзига хос ўрни бўлганидан далолат беради.

Китоблар ичида Бедил, Саъди Шерозий каби буюк алломаларнинг асарларини кўриш мумкин. Булар XIX аср бошларида халқларимиз ўртасида шеъриятга, бадиий адабиётга бўлган қизиқиши катта эканлигидан далолат. Китоблар ичида нафақат диний, бадиий, балки илмий асарлар ҳам бор. Масалан, астрономияга оид китоб халқимиз Ўрта асрларда ҳам, XIX аср бошларида ҳам коинот илмига катта қизиқиш билан қараганини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги кунда ушбу ҳолат юасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
**Фарғона вилояти**



# Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда, ҳар қандай шароитда ҳам баённома тузилиши мажбурийми?**

**Ҳ.ЗОКИРОВ,**
**Тошкент шаҳри**

"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 283-моддасига кўра, башарти фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ва унга жойнинг ўзида солинадиган жарима миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаса, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳолларда баённома тузилмайди. Жарима тўланганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги квитанция берилади. Агарда фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса, у ҳолда ушбу кодекснинг 279-моддасига биноан баённома тузилади.

* * *

**Уйни ёки фуқароларнинг буюмларини тинтув қилиш тартиби қонунда қандай белгиланган?**

**Д.СОБИРОВ,**
**Самарқанд вилояти**

Аввало, тинтув ҳаракати ҳақида тушунчага эга бўлишимиз лозим. Тинтув хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда жиноят иши учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда ваколатли орган ходимлари томонидан ўтказиладиган процессуал ҳаракатдир.

Тинтув суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига биноан, прокурорнинг санкциясига асосан ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилади. Қарор (ажрим)да тинтув ҳаракати қаерда, кимникида ўтказилиши зарурлиги, қайси нарса ёки ҳужжатларнинг қидириб топилиши ва олиб қўйилиши лозимлиги кўрсатилган бўлади. Суриштирувчи ёки терговчи тинтув ўтказилаётган хонадон соҳиби ёки шахсни қарор ёки ажрим билан таништириб, имзо қўйдириши шарт. Баъзи кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурор санкциясисиз ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолларда 24 соат ичида ўтказилган тинтув ҳақида прокурорга хабар қилиниши шарт. Ушбу ҳаракат ўтказилишида холислар иштирок этади, зарур бўлган ҳолларда эса мутахассис ва таржимон ҳам жалб этилади.

Агар тинтув уйда ўтказилаётган бўлса, уй эгалари ёки уларнинг вояга етган оила аъзоларидан бири иштирок этиши керак. Башарти, уларнинг иштирок этишини таъминлашнинг имконияти бўлмаганда, тегишли ҳокимлик ёки ўзини-ўзи бошқариш органининг вакили таклиф этилади.

**Саволларга ҳуқуқшунос Р.КОМИЛОВ жавоб берди**

## Оталар дейдики:

**Билим ва қудрат — иккови эгизак.**

* * *

**Агар мақсадсиз бўлсанг, ҳеч нарса қилолмайсан, мақсадинг катта бўлмаса, буюк иш қилолмайсан.**

* * *

**Жиддий, теран, ҳақиқий ирода энг аввало мақсадга эришишга ишонч тасаввури билан уйғунликда ифодаланади.**

*Жаҳон тажрибаси*

# АҚШ: БИЗНЕС — АДВОКАТУРА

***Бозор иқтисодига ўтиш ва уни ривожлантириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Одамларда бозор шароитида яшаш кўникмаларини ҳосил қилиш ана шу йирик вазифани амалга оширишнинг энг муҳим омили. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнда адвокатура, хусусан, бизнес — адвокатуранинг аҳамияти қандай?***

***Газетхонлар ҳукумига тақдим этиладиган мақолалар туркуми ана шу замонавий соҳанинг тажрибалари ҳақида ҳикоя қилади.***

Аввало, "бизнес-адвокат" тушунчаси ҳақида. Бу сўз жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида ҳам учрамайди. Ҳуқуқий хизматнинг мазкур тури ривожланган давлатлар иқтисодий соҳасида фаол қўлланилади ва тижорат тизимида, банк тизимида, молия тузилмаларида хизмат қилувчи, шу тизимларда қонун механизмининг бир маромда ишлаб туришини таъминловчи мутахассис-ҳуқуқшунос бизнес-адвокат деб аталади. Хусусан, бозор иқтисоди шароитида яшаётган, йирик ривожланган бозорни ташкил этувчи субъектларнинг ўзаро муносабатларида қонуний мутаносибликни таъминлаш бизнес-адвокатуранинг бош вазифасидир.

Тадбиркорлик тизимида бизнес-адвокатлик соҳасининг зарурратини тушуниб олиш қийин эмас. Банклар, биржалар, суғурта фондлари фаолиятининг ягона ҳаракатини ўзаро боғловчи омил — бу ҳуқуқий тузилмалардир. Ҳаракат механизми эса бозор ва унинг инфраструктураларидир.

Дунёнинг турли мамлакатларида ҳуқуқшунослик соҳасининг даражаси ва юристларнинг жамиятдаги мақоми турлича. Бунга сабаб, аввало, ўша давлатда қабул қилинган ҳуқуқий тизимнинг ўзига хослиги бўлса, иккинчидан, миллий урф-одат, анъана-удумларнинг таъсиридир. Масалан, АҚШда юристлик жуда ҳам нуфузли соҳа саналади. Францияда жамият иқтисодиётида ҳуқуқшуносларнинг ўрни иккинчи даражада туради. Германияда эса ҳуқуқшунослик соҳасининг, хусусан, бизнес-адвокатура хизматининг ўрни сўнгги йиллардагина сезила бошланган. Ҳозир Германияда америкача услубда иш юритадиган юридик фирмаларининг хизматидан фойдаланиш кенг миқёсда оммалашиб бормоқда.

Барча ривожланган мамлакатлардаги бизнес-адвокатуранинг ягона хусусияти жамиятда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий таъминотини тўғри йўлга қўйишдан иборат. Қолаверса, бизнес-адвокатларнинг хизматидан ҳамма манфаатдор — олувчи ҳам, сотувчи ҳам, ишлаб чиқарувчи-ю, истеъмолчи ҳам ўз ҳаёти ва фаолиятининг қонун-қоидаси бўлиши, жамият ҳуқуқий меъёрларига мос келиши тарафдоридир.

Сўнгги 50-60 йиллик АҚШ бизнес-адвокатура тизими мислсиз ривожланиш жараёнини бошдан кечирди. Маълумотларга қараганда, АҚШнинг ўрта ва йирик тадбиркорлик тизими келтираётган даромаднинг 5-10 фоизи ҳуқуқий хизмат учун сарфланаяпти. Катта фирма ва компаниялар бюджетида "Ҳуқуқий хизмат учун" номи билан махсус харажат моддаси мавжуд. Шу тариқа Америка иқтисодий кўрсаткичларининг даражасига бизнес-адвокатларнинг таъсири яққол сезилади. Нафақат бизнесменлару корхона раҳбарлари, оддий фуқаролар ҳам ўз бюджетидан ҳуқуқий ёрдам олиш учун тузуккина маблағ ажратадилар. Зеро, қўйилган ҳар бир қадамнинг қонуний бўлиши америкача яшаш тарзининг таркибий қисми саналади. Қолаверса, Америка фуқаролари ўз даромадларини, "пуллик меҳнат"ларини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиб юришга ўрганиб қолганлар. Қизиғи шундаки, ўзаро муносабатларнинг "ҳуқуқшунос-мижоз" тизимида адвокат хизматининг қимматлигидан кўра унинг тўғрилигига, қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқмаслигига эътибор берилади. Бу эса ўз навбатида адвокатнинг оладиган хизмат ҳақининг ҳалол бўлишини таъминловчи катта масъулият ҳисобланади. Устига-устак адвокат ўзи кўрсатган ҳуқуқий ёрдамнинг нотўғрилиги учун ҳар томонлама зарар кўради: биринчидан, обрўсига путур етади, иккинчидан, реал ҳамда потенциал мижозларини йўқотади, учинчидан, нотўғри маслаҳати оқибатида мижозга етказган моддий зарарнинг охирги тийинигача тўлайди. Мана буни ҳақиқий бозор иқтисодиёти деса бўлади.

Америка бизнес-адвокатлари онгига адвокатлик ҳуқуқидан маҳрум бўлиш эмас, балки профессионал этика қоидаларини бузиш энг катта йўқотиш деб сингдирилади. Ва худди ана шунинг учун адвокатни жазолашади. Умуман олганда, АҚШ фуқаролари ўртасида адвокатларга бўлган муносабат икки хил. Баъзан ёмон кўришса, ўрни келганда, жуда юқори даражада ҳурмат қилишади. Ёмон кўришларига сабаб: фуқаролар кундалик ҳаётларида, олди-сотдилар, оддийгина шартномаларда ҳам юрист-адвокатнинг "розилиги"ни олишлари шарт. Бошқача айтганда, адвокатсиз яшаш мумкин эмас. Қолаверса, адвокатлик хизматининг ҳақи қиммат. Адвокатга тўла ишониш, унинг иштирокида амалга оширилган ҳар қандай битим, келишув, шартноманинг ҳаққонийлигидан, унда кўрсатилган шартларнинг бажарилишидан адвокат касбига бениҳоя ҳурмат билан қарашади. Мисол учун ҳовли-жой сотиб оладиган Америка фуқароси давлат божи ёки нотариус хизматига нисбатан бир неча баравар кўп маблағни адвокат маслаҳатига, кўчмас мулк бўйича ҳуқуқшуносга тўлайди. Бунинг эвазига уй соҳибининг ҳужжатлардан кўнги тўқ. Янги уйида фақатгина мазза қилиб яшайди, холос. Барча югур-югурлар, қоғозбозликлар ишончли адвокат зиммасида. Чунки ана шундай кафолатни фақатгина тажрибали адвокатгина таъминлай олади. Барча эътирозлару талаблар ҳам унинг иштироки ва имзоси билан қонуний мақомга эга бўла олади.

Табиий савол туғилади: ҳар куни, ҳамма ва ҳар доим ҳуқуқшунос ёрдамида яшаш қийин эмасми? Нисбатан камбағал оилалар ҳам бор-ку? Улар нима қилишади? Таъкидлаш жоизки, АҚШдаги барча ҳуқуқий фирмаларига бепул хизмат кўрсатадиган объектлар, корхона-муассасалар, мурувват уйлари, турли хайрия ташкилотлари оталиқ шаклида бириктирилган бўлиб, камбағал фуқаролар ана шу тизим орқали адвокатлар хизматидан фойдаланишади.

Ҳозиргача мамлакатни бошқарган 42 та АҚШ Президентидан 26 таси авваллари адвокат бўлиб ишлашган. Бу рақам албатта, тасодифий эмас. Чунки АҚШ "жон бошига ҳуқуқшуноснинг сони" кўрсаткичи бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб келаяпти. Зеро, Халқаро адвокатлар Ассоциацияси аъзоларининг учдан икки қисми АҚШда яшаб, фаолият кўрсатади. Мамлакатдаги 2000 та йирик корпорация бошқарув ҳайъатида 1200 та адвокатлик фирмаларининг вакиллари расмий аъзо ҳисобланадилар. Ҳар қайси фирмадан бир нечта адвокат аъзо бўлиши мумкинлигини инобатга олсак, уларнинг иқтисодий ҳаётдаги аҳамиятини ва бошқарув тизимидаги ўрнини тасаввур қилиш қийин эмас. АҚШ сиёсий ҳаётида умуман юристларнинг, хусусан, бизнес-адвокатларнинг таъсири сезиларли даражададир.

**Мурод ҲАКИМОВ,**
**Адлия вазирлиги халқаро ҳуқуқий бошқармаси бошлиғи**



Тоғ бағридаги қишлоқ...

Мулоҳаза учун мавзу

# ШИШАНИНГ ЮЗИДА ВАТАН БЎЛМАЙДИ

***Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган 300 турдан ортиқ спиртли маҳсулотларнинг аксарияти жой — Ватан номи билан боғлиқ: "Ўзбекистон", "Турон", "Андижон", "Нукус" ва ҳоказо...***

***"Шердор", "Тиллакори" — булар Самарқанддаги машҳур мадрасалар "шарафи"га қўйилган...***

***Соҳибқирон бобомиз номига қўйилгани ҳам бор — "Амир Темур"...***

Мустақиллик мевалари жудаям тотли. У энг аввало, ҳар бир юртдошимизга Ватан номини "Ўзбекистон" дея баралла айтиш имконини берди. Аслида дунёдаги энг катта бойлик Ватанинг номини қўрқмай-ҳайиқмай айта олишингдир.

Ана шу эркинликни бойлик, деб билганлар, Мустақилликни фақат шунинг учун улуғлайдиганлар Юртнинг ҳақиқий жонкуярлари ҳисобланишади.

Аммо миллатнинг, Ватаннинг номини оддий тушунчалар қаторида ишлатиб бўлмаганидек, ҳамма нарсалар номига ҳам Ватан сўзини қўллайверишда ватанпарварлик йўқ. Зеро, "Хон"ни тутатиб бу аччиқ тутунга миллий либос кийдириш, яъни "Шубҳасиз ўзимизники" дейиш ноўрин. Ёки шароб солинган шиша юзида Ватан ёзувини кўриб, фахрланиб бўлмайди....

Чор босқинчилари ўзларининг мафкурасини сингдириш учун ўлкамиздаги маънавий бирлик ва гўзал ахлоқни парчалаш йўлини мана шундай топишган эди: "Бу халқни ичкиликка ўргатишимиз зарур. Шунда у қадимий қадриятларидан мосуво бўлади. Ахлоқий илдизлари қирқилган миллатни бемалол ҳар мақомга юрғалатиш мумкин".

Босқинчиларга, аввало, миллатнинг қадриятлари, дунёқараши, ахлоқи Ватанни ҳимоя қилиш — ватанпарварлик, деган умумий ном билан қарши чиқади. Ватан, она тупроқ деган тушунчалар ҳам аслида юқоридаги қадриятларнинг жамламасидир.

Айнан Чор ҳукумати бодахўрликка ўргатиш йўли билан миллат қиёфасини ўзгартириш мумкин, деган хулосага бежиз келмаган эди. Биринчидан, Туркистондаги минг йиллик маънавий-ахлоқий, диний қадриятлар шаробни рад этади. Демак, шаробга ўргатиш қадриятлар илдизига болта уриш деганидир. Қадриятларни маҳв этиш йўли билан, юқорида айтдик, қулликка борилади.

Иккинчидан, XIX асрдаёқ медицина ҳам, ҳаёт ҳам ичкиликбозлик инсоннинг ҳаётини издан чиқаришини исботлаб қўйган эди. Издан чиққан инсонни эса хоҳлаган изингизга солиш, хоҳлаган мусиқангизга ўйнатишингиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, у сизнинг измингиздадир. Узоққа бормай бунга ўз тарихимиздан ҳам мисол топсак бўлади. Шоҳ Ҳусайн Бойқаро шароб ичиб қул бўлди — невараси Мўмин Мирзони ўзгалар гапига кириб қатл этдирди. Шароб уни шоҳликдан қуллик даражасига туширди. Шароб унинг исми ёнига фарзандининг қотили, деган тамғани босди...

Бугунги кунда ҳам ичкиликбозлик инсониятга табиий офатлардан кўра кўпроқ ҳалокат келтираётганлигини, одамлар орасига кўринмас оғу каби кириб бориб, минглаб оилаларни пароканда қилаётганлигини, инсонларнинг соғлигини, ҳаётини, ахлоқини кемираётганлигини гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Ичкиликбозлик оқибати, дея ўнлаб касалликларни санаб ўтириш, ҳаётдан минглаб мисолларни келтириш мавриди эмас. Фақат шуни таъкидлашни хоҳлардикки, миллат, ватан тушунчалари ёнига шароб сўзини қўйиб бўлмайди. Шароб юзига Ватан номини ёрлиқ қилиб қўйиб, ғурурланиш мумкин эмас. Бунда яна қадриятлар касалланади. Маънавий соғлик емирилади.

Ахир Исмоил Бухорий ўтган заминда арoқ юзига "Ўзбекистон", дея ёзиб қўйиб фахрланиб бўладими? Аждодларимиз қабул қилган барча қарашлар, тупроғимиздан етишиб чиққан барча алломалар, олиму фузалолар, авлиёлар лаънатлаган шаробга Ватанимиз ёки шаҳримиз номини бериб нечоғлик ўзимизни ватанпарвар санашимиз мумкин? Ёхуд "Шердор" мадрасаси номини шароб юзига кўз-кўз қилиб, мана қадриятларимизни улуғлаяпмиз, дейишга ҳаққимиз бормикин? Нима, спиртли ичимлик юзига "Ўзбекистон" номидан бошқа ном қуриб кетганми? Ёки шароб шишаси юзасига ватан номини қўйиб гердайишдан бошқа фахр туйғуси йўқми бизда? Ватанни танитишнинг бундан бошқа йўли оз дейсизми?

... Муҳаммадқодир Сиднейда байроғимиз пойига тиз чўкканда барча ўзбекистонликларнинг ғурури осмон бўлди — байроғимиз дунё халқлари бошлари узра ҳилпиради. Ўзбекистон мадҳияси янграётган пайт ўзбек замини қўшиқ айтди — дунё тинглади. Руслан жаҳон чемпиони бўлган кунни жаҳон "Ўзбекистон чемпион бўлган кун" деб таниди, улуғлади. Президентимиз Ислом Каримов Хитойга расмий ташрифидан сўнг хитойликлар "бизни футболда ютган мамлакатнинг Президенти келибди" деганда қандай фахрланганини айтиб берган эдилар — футболдаги ғалаба Ўзбекистонни Хитой халқига танитган экан.

Россияда ЎзДЭУ маҳсулотини кўриб қолган дўстимнинг ҳайратланганини эслайман. Американинг нуфузли университетида аспирантларга дарс бераётган 25 ёшли ўзбек йигити ҳақидаги мақолани ўқиб, баъзи юртдошларимиз бир-биридан суюнчи олган ҳоллари бўлди. "Ҳалол","Кураш" сўзлари дунё халқлари тилларида янграганда қайси бир ўзбек севинчдан бебаҳра қолди, дейсиз. Интерконтененталга қараб "Миллатингизнинг юксалаётган қиёфаси", деган эди хорижлик оғайнимиз. Фахр туйса бўлади, масалан, тоққа белбоғ қилиб тортилган водий йўлидан. Қаровулбозор қурилишида қатнашган ҳар бир қурувчи бу ижодкорликдан фахрланади, мана шуни ватанпарварлик деб тушунади. Шўртангазда ишлаётган ишчи ватанининг дунёга танилишига ишонади. Бўлиқ-бўлиқ бошоқ етказаётган қишлоқдаги дўстимиз бунинг фидойилик эканлигини билмаслиги, "мен Ватаним учун хизмат қилаяпман", демаслиги мумкин, гарчанд бу ватанпарварлик ҳисобланса-да. Хўш, юзига "Ўзбекистон" деб ёзилган шаробни симириб, булардан қай бирини амалга ошириш мумкин? Шишадаги ёзув фахримиз манбаи бўла оладими?

Ватан номини танитишнинг йўллари кўп. Ватанпарварликнинг номлари бисёр. Аммо, бу — шиша юзидаги "Ўзбекистон" деган ном эмас. "Тошкент оқшоми" эмас. "Шаҳрисабз" дейилмайди. "Турон" дейишга-да, ҳаққимиз йўқ. "Фарғона", "Самарқанд оқшоми" деб ном беролмаймиз уларга. Маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, хуллас, миллат руҳи рад этган нарсага ватан номини беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ватан улуғ тушунча. Ўзбекистон жарангдор ном. Бу сўзни авайлаб ишлатиш керак. Зеро, ном орқасида маънавият бор, қадрият мавжуд. Тарих унда жойлашган, унда миллат яшаяпти. Ота-боболаримиз руҳи тирик бу сўзда. Мана шу ном бизни Навоий билан ватандош этади. Шу сўз орқали келажакка масъулмиз, шу сўз билан мангуликка қадар яшаймиз...

Ватан сўзи ғурур, Ватан сўзи — масъулият.

Бу сўз тарих ва келажак олдида тилмочлик қилади, уларни битта жойга — икки дарё оралиғига йиғади. Халқни битта тушунчага бирлаштирадики, уни ақлни, аҳлоқни пароканда қиладиган нарсалар номи билан атаб бўлмайди.

Ватан сўзи — қадрият. Минг йиллик қадриятларимиз инкор этган нарсаларга ватан сўзини тупуклаб ёпиштириш қадриятларга қаратилган хуруждир. Бошдан баланд, нондан азиз бу сўзни ўз муқаддаслигича қолдирайлик, азизлар!

Нажмиддин Кубро фахр этган туйғудан излайлик ватанпарварликни. Артурга, Русланга, Муҳаммадқодирга, Рустамга эргашайлик. Юртимиз келажаги учун қўйилган ҳар бир ғишт фахримиз бўлсин — ФАХРИМИЗ МАНБАИ ФАХРЛИ БЎЛСИН!

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
**журналист**

## Оталар дейдики:

**Фақат бир эзгулик бор — билим ва фақат бир ёмонлик бор — жаҳолат.**

***

**Тарбия уч нарсага муҳтожлик сезади: истеъдодга, илмга, машққа.**

***

**Камолотга эришиш учун, аввало, қалб покизалиги ҳақида ўйлаш керак.**

**Қалб покизалигига эса юрак ҳақиқатни излаганда ва руҳ орифликка интилган тақдирдагина эришилади. Буларнинг барчаси ҳақиқий билимга боғлиқдир.**

***

**Ҳаракат заиф бўлган жойда, кучли билим фойдасиздир.**

**Ҳаракатсиз билим — ипсиз камон ўқидир.**

***

**Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади.**

# НОХОЛИС ЙЎЛОВЧИЛАР



Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси йўл-патрул хизмати ходимлари томонидан йўл ҳаракати қоидабузарликларини аниқлаш ва уларга қонуний чора кўриш борасида бир қанча ижобий натижалар қўлга киритилди. Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ашаддий қоидабузарликлар 7,4 фоиз, тезликни меъёрдан ошириш 5 фоиз, қувиб ўтиш қоидасини бузиш 11,3 фоиз, авария ҳолатларини содир этиш 15,4 фоиз кўп аниқланди. Бундан ташқари йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш мақсадида "Диққат, болалар!", "Диққат, пиёда!", "Трактор", "Яшил чироқ" ва "Мотоцикл" каби кўплаб тушунтириш шаклидаги тадбирлар амалга оширилди. Чунки йўлнинг нотекислиги баъзи ҳолларда авария ҳолатларига сабаб бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, вилоят ҳудудидаги барча автомобил йўллари, чорраҳалари ва темир йўл кесишмалари кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида тегишли ташкилотларга 37 та тақдимнома киритилган бўлса, мансабдор шахсларга 411 та ёзма кўрсатмалар жўнатилди. Бундай тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Кенг миқёсли назорат ишларининг кучайтирилиши натижасида нафақат йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинмоқда, балки юртимизнинг товар-моддий бойликларини олиб чиқишга уриниш, гиёҳванд моддаларни олиб ўтиш каби ҳолатлар ҳам бартараф этилмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Денов туманидаги "Хайробод" ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш масканида "Термиз-Денов" йўналиши бўйича ҳаракатланаётган давлат белгиси 14 А 57-83 бўлган "КамАЗ" русумли автоулов текширилганда машинага ортилган пиёз қопларининг остига 2,5 тонна алюмин парчалари яширилгани аниқланди. Ҳозирги пайтда Самаркнд вилоятининг Ургут туманида яшовчи ҳайдовчи Зайнобиддин Аюбов ушбу ҳолат юзасидан сўроқ бермоқда.

"Тўпаланг" ДАН масканида эса оқ рангли, давлат белгиси 19 Д 65-63 бўлган "Тико" автоулови текширилганида ундаги йўловчилардан бири, Денов туманида яшовчи фуқаро Азим Ҳақбердиевнинг ёнидан ярим килограмм "героин" топилди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноий иш қўзғатилиб, тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.



*Одамлар, одамлар, уни олқишланг,*
*Қаранг, у нақадар эпчил ва ўктам.*
*Биз-чи, эҳ... баъзи бир кўзи очиқлар*
*Эплаб юролмаймиз катта йўлда ҳам.*

# АРЗОННИНГ ОШИ...

Кейинги пайтларда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноий ҳаракатларда аёллар ҳам қатнашаётгани боис ҳуқуқ-тартибот хизматида шу жинсга мансуб ходимлар сони оширишилмоқда. Бу эса гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтишга уринаётганларнинг кирдикорларини фош этишда ғоят қўл келаётир. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Узун тумани ички ишлар ходимлари "Маҳалла посбонлари" жамоатчилик ташкилотига Феруза Бегалиева ва Гулнора Ҳасанова сингари қизларни жалб этиб, хато қилмаган экан. Яқинда қизлар туманнинг Бўри Очилдиев номидаги жамоа хўжалигида жойлашган ДАН масканида ички ишлар ходимлари билан хизмат ўташаётган пайтда Тожикистон Республикасидан келаётган автоуловдаги икки номаълум аёлнинг хатти-ҳаракатидан шубҳаланиб, уларни обдон текшириб кўришди.

Натижада аёллардан бирининг авратига бир килограммга яқин қорадори боғлаб олингани маълум бўлди. Тошкент вокзалида қўшни республикалардан келган фуқароларнинг шахсини аниқлаш мақсадида тадбир ўтказилганда Тожикистондан келган 5 нафар йўловчи аёлларнинг хатти-ҳаракати ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Уларнинг ҳужжатлари ва шахсий буюмлари кўздан кечирилганда Хўжанд вилоятининг Расулов номидаги туманига қарашли Гулякандоз қишлоғида яшовчи ҳамқишлоқлар Ўғилхон Мадвалиева ва Зулфия Ваҳобоваларнинг хўжалик сумкаларида қуруқ мевалар орасига яширилган 7,5 килограммга яқин "героин" борлиги аниқланди.

Самарқанд тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари "Конибодом-Душанбе" йўналишидаги поездда текширув ўтказишганда тожикистонлик фуқаро Гулбаҳор Йўлдошева ва Жиззах вилоятининг Даштобод шаҳрида яшовчи Озода Рустмоваларнинг 8 килограммга яқин героин олиб кетаётгани маълум бўлди.

Термиз шаҳар шоҳбекати тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари эса 223-сонли "Душанбе-Москва" поездининг 15-вагонида кетаётган тожикистонлик Раъно Султонованинг сумкаси ичидаги сузма солинган идишда 6 та елим халтачаларга ўралган 3 килограммдан зиёд героин моддаси борлигини аниқлашди. Буни ноиложликдан қилдим, шунга мажбур бўлдим, дея дув-дув кўзёши тўкаётган бундай аёлларнинг тақдири ана шундай фожиали бўлмоқда. Улар арзимас пулга учиб, ўз умрларига зомин бўлишаяпти.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**ИИВ Матбуот марказининг ходими**

# ТУНГИ ШАРПАЛАР

Айни куч-қувватга тўлган йигит пайтида ўғирлик билан ўз тақдирларини қора қилган кимсалар ҳақида ёзиш анча оғир экан. Лекин жиноятга жазо муқаррарлигини, ҳеч қачон ёпиғлиқ қозон ёпилиғлигича қолмаслигини, барибир қора қилмишнинг ошкор бўлишлигини таъкидлаш учун ҳам бу ҳақда бонг уриш лозим кўринади.

Тоир Бердибеков ва Алибек Турдибековлар Конимех туманидаги "Сарибел" қоракўлчилик ширкат хўжалиги маркази "Янгиқозғон" овулида чўпон оиласида ўсиб-улғайган. Аммо, иккисиям ўтганни ўроғини, кетганни кетмонини тортиб олиб, саёқ юришди. Ҳеч қаерда ёлчитиб ишламади. Қиттай-қиттай отиб туришни, чекишни одат қилишди. Маҳалла оқсоқоллари, ҳатто ота-онасининг маслаҳатига қулоқ солишмади. Пул топиш, топгандаям ишламасдан пул топиш йўлларини ахтаришди. Тоир оилали, икки фарзанди бор. Алибек эса ҳали бўйдоқ. Иккиси қоронғуда бир-бирини топишди.

Тоир ўтган йилнинг 19 апрель куни ҳамқишлоғи, тадбиркор йигит Нақлбек Тўремуротов хонадонига тун қоронғусида ўғирликка тушиб, тўрт дона қоракўл терини ўмариб чиқди. Уларнинг ҳар бирини 8-10 минг сўмдан сотиб, ҳамтовоғи билан улфатчилик қилди. Қўлига пул тушиб, "мазахўрак" бўлган Тоир ўғирликка ҳамтовоғи Алибекни ҳам шерик қилди.

Эртаси куни Тоир билан Алибек жиноий тил бириктириб, ўғирлик режасини "пишитиб" олади. Дадиллик учун спиртли ичимликлардан ҳам "уриб" олишади. Тун яримларида улар Н. Туремуратов ҳовлисидаги қоракўл терилар сақланаётган хона эшигига етиб келишади. Эшик қулфланган. Лекин эшик тепасидаги ойнаси йўқ туйнукдан кириш, бу ишнинг ҳадисининг олган Тоир учун ҳеч гап эмас. Туйнукдан амаллаб ичкарига кириб олгач, у бир боғлам қоракўл терини туйнук орқали Алибекка узатди. Нафси ҳакалак отган тунги шарпаларга бу оз кўринди. Алибекнинг талаби билан яна бир боғлам, ялпи 200 минг сўмлик қоракўл тери ташқарига узатилди. Тоир Алибекка ўлжани яшириб қўйишини тайинлайди.

Алибек дастлаб уларни укаси Бовуржонникига олиб келади. Бовуржон тезда териларни олиб кетишларини талаб қилади. Алибек териларни кўра ичига яшириб қўяди. Эртаси куни машина ёллаб, қоракўл териларни Нуротага бориб сотиб келади.

Ўғирлик орқасидан осон пул топишни ўйлаган кимсалар қаттиқ янглишган эди. Уларнинг жиноий ҳатти-ҳаракатлари кўп ўтмай фош этилди. Бекорчилик, спиртлик ичимликка ружў қўйиш, ота-она, қариндош уруғлар, маҳалла-кўй назоратидан четда қолган бу кимсаларнинг жиноий ҳатти-ҳаракатлари ана шундай аянчли якун топди.

**Ёрқул УМАРОВ**



Ёз гашти

## Келинг, кулишайлик

**Адвокатнинг хотини эридан гина қилаяпти:**

**— Қизиқ, сен умр бўйи мени эмас, аллақаёқдаги безори, йўлтўсар ва кароқчиларни ҳимоя қиласан-а!?**

***

**Поездда бирга кетаётган йўловчи ҳамроҳига деди:**

**— Менга қаранг, чемоданингиз базур турибди. Яхшилаб жойлаштирмасангиз бошимга тушиб кетиши мумкин.**

**— Хавотирланманг, ичида синадиган нарса йўқ.**

# ЖАҲОЛАТНИНГ ЖИРКАНЧ ЙЎЛАГИ



Алишер Раҳматов 1998 йилгача уч фарзанди ва хотини Гулжаҳон Юнусова билан тинчгина турмуш кечириб юрган эди. Нима бўлди-ю уни бойлик орттириш васвасаси чулғаб олди. Шу орада бир оғайниси хорижга — Исроил давлатига бориб пул ишлаб келишни маслаҳат берди. Шундан сўнг Алишер ўзини у ёққа урди, бу ёққа урди - хуллас, қарзга пул топди. Елиб-югуриб барча ҳужжатларни тўғрилади. Шу тариқа Алишер Раҳматов 1998 йилнинг октябрида сайёҳ сифатида Исроил давлатига бориб қолди. Сайёҳат муддати тугагач, ҳамроҳларидан ажралиб, яшириниб, унда-бунда дайдиб юрди. Кейинчалик қора иш топди. Аста-секин пул жамғарди, таниш-билиш орттирди - бу ерда ўзига ўхшаб ишлаб юрган ҳамшаҳарлари кўп экан. Шулар орқали уйига пул юбориб турди. Топганини болачақам, хотиним билан еяман, деб йиғди. Икки йилдан сўнг топганини белига тугиб, 2000 йилнинг ноябр ойида юртига қайтди. Уни хотини Гулжаҳон "Сўғдиёна" мавзесида сотиб олган шинам уйида болалари билан кутиб олди. Хурсандчиликнинг, чеки йўқ эди. Ошна-оғайни, ёр-биродарлар Алишерга ҳавас билан боқишади. Буларни кўриб, Алишернинг кўрган хўрликлари-ю, чеккан азоблари ҳам эсидан чиқди. Энди ҳаётим ҳузур-ҳаловатда ўтади деб ўйлай бошлади. Аммо орадан икки кун ўтгач, баногоҳ телефон жиринглаб қолди. Ўғли Амир гўшакни кўтарди.

— Ая, Шерали акам чақираяпти, — чой ичиб ўтирган Алишер орқасига ўгирилди. Ўғлига имоишора қилаётган Гулжаҳон жойида тошдек қотиб қолди. Ранги оқарди.

— Шерали ким? — дея сўради Алишер хотинидан.

— Шералими? — Гулжаҳон ранги ўзгарганлигини сездирмаслик учун кўзини ерга олди. —Гулбаҳор опамга тиш қўйиган дўхтир. Менга ҳам тиш қўйганди... шунга тишлар яхши ўрнашдими, деб телефон қилаётгандир-да...

Шу пайт гапга ўғиллари Амир аралашди.

— Вой, Шерали акамни танимайсизми, менга ҳам тиш қўйиб берган...

— Менга ҳам, — дея кичкина Темуржон акасига қўшилди.

Алишер индамади.

Томоғидан чой ҳам ўтмади. Ўрнидан туриб, бир оғиз ҳам гапирмай пастга тушди, янги олган "Тико" машинасига миниб, қайнопаси Гулбаҳорникига келди.

— Шерали ким? — деди салом-аликдан кейин.

— Шерали? — Гулбаҳорнинг ҳам рангида ўзгариш сезилди. — Шерали менинг тиш дўхтирим. Ҳа, тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик... бу, бу Шерали болаларга ҳам тилла тиш қўйибтими?

— Ҳа, тишни қурт егандан кейин болами, каттами фойдаси бор, пул бўлса бўлди. Шерали эса яхши дўхтир...

— Бошқа айтадиган гапингиз йўқми? — қайнопасига шубҳа билан қаради Алишер.

— Вой, нима деяпсиз, — қайнопаси жавради. — Гап бўлса эшитардингиз-да... Ҳамма вақт синглимдан хабардор бўлиб турди...

Етиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Алишер жамғарган пулига учта "Тико" автомашинаси сотиб олди, иккитасини ижарага бериб, биттасида ўзи киракашлик қила бошлади. Қўлидаги телефон билан ҳар замонда уйига сим қоқиб турди. Ё ўғиллари, ё хотини кўтаради. "Мен фалон жойдаман, фалон пайтда бораман", дейди. Шу, узоққа бормайди, Дамариқ бозори, шаҳар ичида дегандай...

Бир куни болаларини музқаймоқ едириш учун олиб борди. Кечроқ эди. Хотини опасиникига кетди. Музқаймоқ еб бўлишгач, қайтаётганларида ўғли Амир гап очиб қолди.

— Бугун кундузи Шерали акам келди...

— А?! — Алишер ижирғанди. — Яна тиши оғрияптими?

— Билмадим. Аям бизларни ўйнаб келинглар, деб ташқарига чиқариб юборди.

Алишер аламини ичига зўрға ютиб, ўғлини гапга солди. — Бу Шерали аканг ким ўзи, фақат мен танимас эканман-да, а?

— Шерали акам, тунов куни қўнғироқ қилган киши-да. Биз аям билан Шерали акамнинг вокзалдаги уйида ҳам кўп марта бўлганмиз. Сафия, Гули холамлар, Илҳом тоғам ҳам Шерали акамни яхши танишади. Шерали акамни Тойлоқдаги уйига ҳам борганмиз...

— Ҳм... Мен йўқ пайтим ҳам тез-тез келиб турармиди?

— Аям кўпинча кечқурунлари синглимни дўхтирга кўрсатиб келаман, эшикни кулфлаб ўтиринглар, деб чиқиб кетарди...

— Хўш, кейин-чи? — Алишер ғазабдан қалтираётганлигини сездирмасликка ҳаракат қилди.

— Кейин... — бола сўзлашдан тўхтади. — Аям бу гапларни дадангга айтма, деган, — ўғли йиғлаб юборди. — Аям энди мени ўлдиради.

Алишернинг туриб-туриб хўрлиги келди. Ўғлининг елкасидан кучиб нима деди, нима қўйди ўзиям билмайди. Ахир, шу мидди унинг орзу-умидлари? Пул мол топишдан мақсад нима эди? Энди нима қилади? Шу топда унинг кўз олдида остин-устун бўлиб кетди, ҳамма нарса ўз аҳамиятини йўқотди. Пул давлат деганлари ахлатга айланди. Юраги кўтарилиб, қайт қилгиси келди. Куни билан оғзига сигаретдан бошқа ҳеч нарса олмаганини эслади. Болаларини уйининг олдига ташлаб, машинани орқага бурди. Тўғри опаси Сайёраникига борди. Борди-ю ундан арoқ сўради.

— Вой, арoқни нима қиласан, машинадасан, — опа қаршилик қилди.

— Борми-йўқми, — деб Алишер шахт билан ўрнидан турди.

— Вой, бор-бор, нима гап тинчликми? — дея опа музхонани очиб, арoқ билан газакка помидор олди.

Ука эса катта пиёлага тўлдириб арoқ қуйиб, ичди. Учинчи пиёлани опа тортиб олди.

— Ҳой бола, тинчликми, нега мени қийнайсан, — опа йиғламсиради. — Ёки келинни бир нарса қилиб қўйдингми, нима бало?!

— Мен ўлиб ишласам-... у эса ялло қилиб юрса. Ғунажин кўзини сузмаса...

2000 йилнинг июл ойида Гулжаҳон Юнусова опаси Гулбаҳор Садриддиновага тиш қўйдириш учун стоматология поликлиникасига у билан бирга борди. Бу пайтда у Алишер юборган пул эвазига егани олдида, емагани ортида эди. У пулларга уй ва "Нексия", "Тико" автомашиналарини сотиб олди. Бир бойвуччанинг бўлгани, шунчалик бўлади-да! Ҳамма нарсаси тўкис, фақат... Опасига тилла тиш қўяётган дўхтир Шерали Тўраев ўзидан тўққиз ёш кичик бўлса ҳам ёқимтойгина экан, унга бир-икки ўғринча қараб қўйди. Шерали ҳам унга бир-икки сирли қараш қилди. Кейин... юрак ютиб гап отди.

— Сиз ҳам тиш қўйдирмайсизми? — деди.

— Тиш қўйиш текинми? — ҳазиллашди Гулжаҳон.

— Сиз учун текин-да...

Шундан кейин Гулжаҳон Шерали билан қандай яқинлашиб қолганини эслаёлмайди, ҳар ҳолда унинг ижарада турадиган уйига тез-тез борадиган, айшишратга бериладиган бўлиб қолди.

Кўпинча кечқурун болаларининг устидан қулфлаб кетиб, эрталаб қайтиб келадиган одат чиқарди. Тез орада бу ишдан ҳамма қариндош-уруғ хабардор бўлди. Ахир, ойни этак билан ёпиб бўлармиди. Гулбаҳор Гулжаҳонни Шерали билан уйида кутиб олди.

— Уятсиз, — деди бўғилиб. — Эртага эринг келса, қайси юз билан қарайсан?

Опанинг сўроғига «мен уни яхши кўриб қолганга ўхшайман», дея жавоб берди сингил.

— Бизнинг ишимизга аралашманг. У бундан буён Алишер билан яшамайди. Болаларини ҳам ўзим боқаман, — дея Шерали жазманининг ёнини олди?

Шу тахлитда яшаб юришди.

Алишер келгандан кейин ҳам Гулжаҳон Шерали билан пинҳона учрашишни канда қилмади. "Ҳа, эримнинг дарди пул топиш, ҳаётнинг лаззатларини қайдан билсин", дея ўйларди у. Ниҳоят бу ишлар эрининг қулоғига етиб борди. Оиладан хайр-барака кўтарилди. Ҳар куни жанжал, ҳар куни ур-сур... Ҳатто иш шу даражага бориб етдики, Алишер ошна-оғайниларидан, қариндош-уруғларидан қочадиган бўлиб қолди. Йигит кишининг боши хам бўлмасин экан. Йўл излайди, йўл тополмайди, бировга дардини ёрилиб айтолмайди. Охири хотинининг ўйнашини тутиб ўлдиришга қарор қилди.

Ана шундай кунларнинг бирида Гулжаҳон Шералига қўнғироқ қилди.

— Ҳаётдан ҳам тўйиб кетдим. Менга ҳеч тинчлик бермаяпти...

— Эримдан қутулишнинг...

— Буни ўйлаб кўриш керак. Шундай жазони берайки, эрингнинг, иккинчи марта кўзингни кўкартиришга қўли кўтарилмай қолсин деб жавоб берди Шерали...

**Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,**
**Маҳмуд БЕРДИҚУЛОВ.**

*(Боши. Давоми келгуси сонда)*

1996 йилнинг январидан нашр этилади
**ИНСОН ва ҚОНУН**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**
Шухрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

**Индекс: 646882**
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2643. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
**Т. ҲАСАНБОЕВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
**Д. БЕКМУРОДОВА**
Компьютер оператори:
**М. ЯХНАЕВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700047,**
**Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.**
**Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65**

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.